

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**36-37-сон**  
**(1108-1109)**  
**2023 йил**  
**сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

396. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ–868-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

397. «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ–156-сон Фармони

398. «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ–296-сон қарори

399. «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада

такомиллаштириш ҳамда 2023 — 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–299-сон қарори

400. ««Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–300-сон қарори
401. «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ–306-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

402. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондонининг 2023 йил 19 августдаги 211-сон «Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3456*)
403. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 28 августдаги 6-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга қўшимчалар ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-3*)
404. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2023 йил 12 августдаги МН-6-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 10 августдаги 42-ққ-сон «Қаровсиз қолган хайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-3*)
405. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2932-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 396 Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
4 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси (бундан буён матнда Давлат чегараси деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасини (қуруқликни, сувни, ер қаърини ва самовий ҳудудни) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат.

##### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Давлат чегарасини қўриқлаш** — жанговар-хизмат, тезкор-хизмат ҳаракатлари, назоратга оид, тезкор-қидирув ва режимли тадбирлар мажмуи;

**Давлат чегарасини ҳимоя қилиш** — Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, у Ўзбекис-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

тон Республикасининг Давлат чегараси хавфсизлигини ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, дипломатик, иқтисодий, муҳофазага, чегарага, тезкор-қидирувга, божхонага, табиатни муҳофаза қилишга оид, санитария-эпидемиологик, фитосанитарияга, карантинга оид ва бошқа чора-тадбирлар кўриш йўли билан амалга оширилади;

**Давлат чегараси орқали ўтказиш пункти** (бундан буён матнда ўтказиш пункти деб юритилади) — Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларга ва транспорт воситаларига, шунингдек Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларга нисбатан назорат тартиб-таомиллари ва уларни Давлат чегараси орқали ўтказиш амалга ошириладиган, халқаро қатновлар учун очиқ бўлган чегараолди темир йўл бекатлари ва автомобиль йўлларининг, дарё портларининг, аэропортларнинг (аэродромларнинг) махсус жиҳозланган ҳудуди (унинг бир қисми);

**Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги давлат назорати органлари** (бундан буён матнда давлат назорати органлари деб юритилади) — Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларга ва транспорт воситаларига, шунингдек Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларга нисбатан назоратни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, божхона органлари, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, давлат ветеринария хизмати, ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати;

**делимитация қилиш** — Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатлар ўртасида тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Давлат чегараси чизигини аниқлаш, унинг ўтишини тавсифлаш ва уни харитада график тарзда акс эттириш;

**демаркация қилиш** — Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатлар ўртасида тузилган делимитация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ чегара белгиларини ўрнатиш йўли билан жойларда Давлат чегараси чизигини белгилаш;

**назорат тартиб-таомиллари** — Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларга ва транспорт воситаларига, шунингдек Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларга нисбатан давлат назорати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

**редемаркация қилиш** — чегарадош давлатлар билан келишувга кўра махсус ташкил этилган ҳукуматлараро комиссиялар томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, жойларда Давлат чегараси чизигини тиклаш ва уни чегара белгилари билан белгилаш, шунингдек йўқотилган чегара белгиларини тиклаш, қўшимча чегара белгиларини ўрнатиш;

**талъевг** — кемалар қатнайдиган дарёда Давлат чегарасини белгилаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган, дарё ўзани тубининг чуқурроқ участкаларини боғлаб турувчи чизик;

**фарватер** — сув хавзасидаги қатнов (навигация) жиҳатдан хавфсиз бўлган кема ўтиш йўли;

**хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш** —

Ўзбекистон Республикасининг чегарабўйи сув хавзаларидан фойдаланиш, сув иншоотларини барпо этиш, деҳқончилик, чорвачилик, ишлаб чиқариш, тадқиқот, изланиш ишларини амалга ошириш учун ердан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш, кончилик ишларини, геологик изланишларни ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш;

**чегара зонаси** — чегара минтақасига туташ бўлган, чегара режими жорий этиладиган чегараолди ҳудуди ёки унинг бир қисми;

**чегара минтақаси** — Давлат чегарасига бевосита туташ бўлган, Давлат чегараси режими жорий этиладиган чегараолди ҳудудининг бир қисми;

**чегара наряди** — Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи бир ёки бир нечта ҳарбий хизматчи;

**чегараолди ҳудуди** — Давлат чегарасига туташ бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик (туман, шаҳар) доирасидаги ҳудуд.

### **5-модда. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг асосий принциплари**

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини, давлат чегаралари дахлсизлиги ва бузилмаслигини ўзаро ҳурмат қилиш;

чегара масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш;

чет давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш;

чет давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.

### **6-модда. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш**

Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилади. Давлат чегараси делимитация, демаркация ва редемаркация қилинади.

Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг ва чегарадош давлатларнинг вакилларида иборат бўлган ҳукуматлараро комиссия томонидан амалга оширилади. Ҳукуматлараро комиссиядаги Ўзбекистон Республикаси вакилларининг таркиби ва уларнинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.

Давлат чегараси қуйидагича белгиланади:

қуруқликда — ўзига хос нуқталар, рельефнинг чизиқлари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар (ориентирлар) бўйича;

кемалар қатнайдиغان дарёларда — дарёнинг бош фарватери ўртаси ёки тальвеги бўйлаб;

кемалар қатнамайдиган дарёларда (жилғаларда) — уларнинг ўртаси ёки дарё (жилға) асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб;

чегара дарёларида, кўлларида ва бошқа сув ҳавзаларида — Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри чизик бўйича. Бунда дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиган Давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармайди;

сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида — улар сув билан тўлдирилгунига қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизигига мувофиқ;

чегара дарёлари, кўллари ёки бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда — Давлат чегараси сувнинг қайси жойидан ўтишидан қатъи назар, ушбу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб.

### **7-модда. Давлат чегарасига белги қўйиш**

Давлат чегараси жойларда аниқ кўришиб турадиган чегара белгилари билан кўрсатиб қўйилади.

Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари, тавсифлари, тузилишлари ҳамда уларни ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

Чегарадош давлатлар ўртасида Давлат чегараси яхши кўришиб туриши учун жойларда чегаранинг бутун узунлиги бўйича, шунингдек чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сувни муҳофаза қилиш зоналарининг техник тавсифларига мувофиқ ташқи чегаралари бўйлаб тозалаш минтақаси белгиланади.

Тозалаш минтақаси беш метрдан кам бўлмаган кенгликда белгиланиб, унинг доирасида Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, жиҳозлаш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

### **2-боб. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари**

### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолияти тартибини белгилайди;

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ҳамда бажарилишини таъминлайди;

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишга жалб этиладиган кучлар ва воситаларнинг молиявий ҳамда моддий жиҳатдан таъминланишини, уларнинг махсус техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини ташкил этади;

Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш масалалари юзасидан давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириши, шунингдек улар билан боғлиқ ишларни ташкил этади ҳамда амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ Давлат чегарасида ва чегара минтақасида ҳўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди;

чегара минтақаси доирасида ер участкаларини бериш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратди;

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш учун ер участкаларини беради;

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлашда иштирок этади, шунингдек Давлат чегарасини жиҳозлашга кўмаклашади;

Давлат чегарасини делимитация, демаркация, редемаркация қилиш ва унинг ўтиш чизигини аниқлаштириш натижаларига кўра эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ёки бошқа асосларга биноан олинган ер участкаларининг, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегаралари ўзгариши масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда ихтиёрий асосда иштирок этиш учун жалб қилишга кўмаклашади;

ўтказиш пунктларига туташ бўлган ҳудудлардаги йўлбўйи инфратузилмасининг яратилишини ва тегишли тартибини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг ягона тизими**

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг ягона тизими ташкил этилади.

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг ягона тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати:

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг ягона тизимига кирувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентига Давлат чегараси хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида ахборот такдим этади;

разведка, контрразведка ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади;

контрабандага қарши курашиш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида бошқа давлатларнинг тегишли чегара органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ҳамда қабул қилади;

Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг чегара вакиллари фаолиятини ташкил этади ва уларга раҳбарлик қилади.



Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Давлат чегарасининг самовий ҳудудда кўриқланиши ва ҳимоя қилинишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат чегарасини ҳимоя қилишда иштирок этишини таъминлайди;

самовий ҳудудда юзага келган чегаравий можароларни ўз ваколатлари доирасида ҳал этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини ва божхона органларини ҳарбий аэродромлар орқали амалга оширилаётган халқаро қатнов авиарейслари ҳақида олдиндан хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тадбирларини моддий ресурслар билан ҳамда бошқа жиҳатдан таъминлашда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитаси:

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига кўмаклашади;

ўтказиш пунктларидаги режимни сақлаб туришда божхона органларининг иштирокини таъминлайди;

ўтказиш пунктларида шахсларнинг, транспорт воситаларининг ва товарларнинг божхона назоратидан ўтишини ҳамда расмийлаштирилишини амалга оширади;

божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишларига, шу жумладан контрабандага қарши курашиш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ўтказиш пунктларида низоли вазиятларнинг, оммавий тартибсизликлар ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича тадбирларда божхона органларининг иштирок этишини таъминлайди;

ўтказиш пунктлари фаолиятини ташкил этишга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Давлат чегарасини қўриқлашга ва ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига кўмаклашади;

чегара зоналарида ҳамда чегараолди ҳудудларида карантин, санитария-эпидемиологик ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан ҳамкорликда Давлат чегарасини бузувчиларни аниқлаш бўйича суриштирув ўтказиши;

чегара зоналарида чегара режимида риоя этилиши ҳамда ўтказиш пунктларига туташ бўлган ҳудудда ҳуқуқ-тартиботга риоя этилиши устидан назорат қилишда ички ишлар органларининг иштирок этишини таъминлайди;

чегара зоналаридаги ва чегараолди ҳудудларидаги ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини хабардор қилади;

чегара қидирув ишлари ва операциялари ўтказилаётган вақтда, шунингдек қуролли бостириб киришни, бошқа фитналарни даф этиш ёки Давлат чегараси орқали қонунга хилоф равишда оммавий кесиб ўтишга тўсқинлик қилиш чоғида Давлат чегарасига яқин жойнинг айрим участкаларига ёки объектларга фуқароларнинг киришини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг тақдимномасига биноан вақтинча чеклашни ёхуд тақиқлашни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини Давлат чегарасини кесиб ўтиш учун ҳақиқий бўлган ҳаракатланиш ҳужжатларининг намуналари билан уларнинг тавсифини кўрсатган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий бўлмаган ҳаракатланиш ҳужжатлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди;

чегара зоналарида ва чегараолди ҳудудларида низоли вазиятларнинг, оммавий тартибсизликлар ҳамда бошқа ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича тадбирларда ички ишлар органларининг иштирок этишини таъминлайди;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлайдиган, қидирувдаги шахслар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини хабардор қилади;

чегара зоналарида ва чегараолди ҳудудларида оммавий тадбирларни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан ҳамкорликда

фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

чегара зоналарида ва чегараолди ҳудудларида табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни фавқулодда вазиятлар шароитларида фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш тадбирларида иштирок этади;

чегара зоналарида ва чегараолди ҳудудларида табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этади, ёнғинлар содир бўлган ҳудудларни аниқлайди ва уларнинг ўчирилишини, одамларни қутқаришни ташкил этади, фавқулодда вазиятлар шароитларида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши таҳдиди бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда чегара зоналаридаги ва чегараолди ҳудудларидаги аҳолини, уларнинг мол-мулкани хавфсиз ҳудудларга кўчириш тадбирларини амалга оширишда иштирок этади;

инсонпарварлик ёрдами юкларини Давлат чегараси орқали олиб ўтиш ва етказиб бериш тадбирларида иштирок этади;

чегара зоналарида ва чегараолди ҳудудларида яшовчи аҳолининг фавқулодда вазиятлар рўй бериши таҳдиди тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида хабардор этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Давлат чегарасидаги қуролли бостириб киришларга, бошқа фитналар ва оммавий тартибсизликларга чек қўйишга доир тадбирларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда чегара зоналарида ва чегараолди аҳоли пунктларида жамоат тартибини таъминлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан биргаликда Давлат чегарасини бузувчиларнинг эхтимоллий

ҳаракатланиш йўналишларини тўсади, ҳуқуқбузарларни қидиришни, таъқиб этишни ва қўлга олишни амалга оширади;

фуқароларнинг чегара зоналарида ва чегараолди ҳудудларида жойлашган турар жойларини, бошқа объектларини ҳамда транспорт воситаларини, шунингдек юридик шахсларнинг объектларини ва транспорт воситаларини белгиланган тартибда кўздан кечириш чоғида хавфсизликни таъминлашда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Давлат чегарасида ва ўтказиш пунктларида санитария-гигиенага оид ҳамда эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширади;

ўтказиш пунктларида тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**18-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси:

Давлат чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан ветеринария, ветеринария-санитария қодалари ва нормаларига риоя этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳайвонларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчиларнинг олиб кирилишидан ва тарқатилишидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат ветеринария назоратини амалга оширади;

ҳайвонларни, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни ҳамда хом-ашёни, ветеринария дори ва техника воситаларини, микроорганизмларнинг штамmlарини, озуқалар ҳамда озуқабоп қўшимчаларни, озиқ-овқат маҳсулотларини Давлат чегараси орқали олиб ўтишда қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлат ветеринария назоратини амалга оширади;

Давлат чегараси орқали кириб келаётган автотранспорт воситаларига ветеринария-санитария жиҳатидан ишлов беришни, шунингдек Давлат чегарасида ва ўтказиш пунктларида ветеринария, ветеринария-санитария қодалари ва нормаларига мувофиқ бошқа тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**19-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги:

карантин остидаги маҳсулот Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётганда ўсимликлар карантини қоидаларига ҳамда фитосанитария талабларига риоя қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади;

чет давлатлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган карантин остидаги маҳсулотнинг ҳамда ўсимликлар карантини объектларини ташувчиларнинг карантин текширувини ва лаборатория экспертизасини ўтказиши;

ўтказиш пунктларида ўсимликлар карантини қоидаларига ва фитосанитария талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати тадбирларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда қўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**20-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни ташқи сиёсий ҳамда халқаро ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

Давлат чегарасини ва унинг режимини белгилаш, ўзгартириш бўйича музокаралар ўтказилишини ташкил этади ҳамда уларда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини чет давлатларнинг ҳаракатланиш ҳужжатлари намуналари билан уларнинг тавсифини кўрсатган ҳолда таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг чегара вакиллари ва Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги вакиллари томонидан тартибга солинмаган масалаларни ҳамда чегаравий можароларни ҳал этиш бўйича сиёсий-дипломатик чоралар кўради;

чегарадош давлатларни Давлат чегараси орқали ўтишни вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш ҳақида хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда, чегарадош давлатларни Ўзбекистон Республикасининг чегара вакиллари таркиби ҳақида хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**21-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:  
чегараолди ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**22-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:  
чегараолди ҳудудида жойлашган сув хўжалиги тизими ирригация ва мелiorация объектларининг, шунингдек улар гидротехника иншоотларининг техник жиҳатдан соз ҳолатда сақланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**23-модда. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги:  
ўтказиш пунктларида, чегараолди ҳудудларида ва ҳарбий қисмларнинг ҳудудларида телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан мобиль алоқа, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тармоқларини ташкил этади ҳамда уларнинг ишлашини таъминлайди;

телекоммуникация тармоқларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар:

Давлат чегарасида, ўтказиш пунктларида ва чегараолди ҳудудларида транспорт ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси объектларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди;

транзит транспорт йўлакларини ривожлантириш, транспорт логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқирилишини ва чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

транспорт соҳасида давлат назоратини амалга оширади, шу жумладан авиация ҳалокатлари ва ҳаво кемалари билан боғлиқ ҳодисалар, шунингдек темир йўл ҳамда сув транспортидаги авариялар ва ҳалокатлар текширувларини ташкил этади ҳамда ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, кўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги:

Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш билан боғлиқ бўлган ер тузиш, геодезия, картография, топография, гидрография бўйича ишларни ва ўз ваколатлари доирасида бошқа фаолиятни тизимли асосда амалга оширади;

Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш масалалари бўйича геодезияга оид ахборотни, Ерни масофадан зондлаш материалларини, ер тузишга, картографияга, топографияга, гидрографияга оид материалларни ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Давлат чегараси билан боғлиқ архив материалларини ўрганати, делимитация ва демаркация бўйича топография-геодезия ҳамда картография ишларининг технологиясини ишлаб чиқади, Давлат чегараси чизигининг ўтиш жойини текширади ва аниқлайди;

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишга доир тадбирларни топо-геодезик жиҳатдан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара кўшинларига муайян ҳудуд бўйича Давлат чегарасининг ўтиши тўғрисидаги ахборотни ва бошқа маълумотларни тақдим этади;

картографияга оид материалларда Давлат чегарасининг ўтиши тўғри акс эттирилишини таъминлайди;

эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ёки бошқа асосларга биноан олинган ер участкалари чегараларини, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари чегараларини Давлат чегарасини делимитация, демаркация, редемаркация қилиш ва Давлат чегарасининг ўтиш чизигини аниқлаштириш натижаларига кўра ўзгартириш масалалари бўйича қарорлар лойиҳаларини тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг,  
юрidik шахсларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
фуқароларининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва  
ҳимоя қилишда иштирок этиши**

**26-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади, уларга зарур ахборотни тақдим этади;

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ихтиёрий асосда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**27-модда. Юридик шахсларнинг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этиши**

Чегараолди ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар:

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади, уларга зарур ахборотни тақдим этади;

ўз ходимлари томонидан Давлат чегараси режимига, чегара режимига ва ўтказиш пунктларидаги режимга риоя этилишини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўради.

Юридик шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этиши**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда ихтиёрий асосда иштирок этади.



Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**4-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати  
Чегара қўшинларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг  
ва Ҳарбий ҳаво кучларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва  
ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари**

**29-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати  
Чегара қўшинларининг Давлат чегарасини  
қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига берилган ер участкаларида зарур муҳандислик-техника иншоотлари ва тўсиқлари қурилишини, алоқа линиялари ва телекоммуникация тармоқлари ўрнатилишини амалга ошириш, техникани ва қурол-яроғни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш;

жойларнинг ҳар қандай участкаларида чегара нарядларини жойлаштириш ҳамда ҳаракат қилиш, транспорт воситаларини чегара нарядлари билан кузатиб бориш, транспорт воситаларини ва товарларни қонунчиликка мувофиқ қўриқдан ўтказиш;

разведка, контрразведка, тезкор-қидирув фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш;

Давлат чегараси орқали ўтаётган, чегара зонасига ва чегара минтақасига кираётган шахсларнинг кириш (чиқиш) ҳуқуқига доир ҳужжатларини текшириш, қонунчиликда белгиланган тартибда уларга тегишли белгилар қўйиш ёки ушбу ҳужжатларни олиб қўйиш;

қонунчиликка мувофиқ ўз ваколатлари доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, терговга қадар текширувни, шунингдек сўров ўтказиш тадбирларини амалга ошириш;

ўтказиш пунктларида чегара назоратига тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ҳамда эксперт хулосаларини бериш;

Ўзбекистон Республикасига кириши тақиқланган, Давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларни ўзи келган мамлакатга қайтариб юбориладиган пайтга қадар, шунингдек маъмурий йўл билан ушлаб турилган ва жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахсларни махсус жиҳозланган жойларда сақлаш;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлайётган, қидирувдаги шахсларни, тегишли давлат органларини ҳабардор қилган ҳолда, ушлаб туриш;

Давлат чегараси режими, чегара режими ёки ўтказиш пунктларидаги режим бузилишини содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинмаларига шахсларни таклиф этиш ва улардан ўзларига маълум бўлган Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш ҳолатлари ёки Давлат чегараси режимининг, чегара режимининг ёки ўтказиш пунктларидаги режимнинг бошқа бузилишлари тўғрисида тушунтиришлар олиш. Зарур ҳолларда, ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари тўғрисида тушунтиришлар олиш бошқа жойларда ҳам амалга оширилиши мумкин;

Давлат чегараси орқали ўтаётган йўловчилар тўғрисида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқига доир ёхуд чегара зонасига ёки чегара минтақасига кириш ҳуқуқига доир ҳақиқий ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларни улар томонидан ҳужжатлари лозим даражада расмийлаштирилгунига қадар ёхуд ҳужжатларини йўқотганлик ҳолатлари аниқлаштирилгунига ва уларнинг шахси аниқлангунига қадар Давлат чегараси орқали, чегара зонасига ва чегара минтақасига ўтказмаслик;

ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикасига киришга ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқишга доир вақтинча чеклов белгиланган шахсларни Давлат чегараси орқали ўтказмаслик;

ўтказиш пунктларида транспорт воситаларининг тўхташ (тўхтаб туриш) жойларини ва давомийлигини ўтказиш пунктларида фаолиятни амалга оширувчи давлат назорати органлари ва транспорт ташкилотлари билан келишилган ҳолда белгилаш;

чегара қидирувлари ва операциялари ўтказилаётганда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида чегара зонасининг айрим участкаларида шахсларнинг ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш, зарур бўлган тақдирда одамларни жойнинг бундай участкаларига киритмаслик, улардан ўша жойда қолишни ёки мазкур участкаларни тарк этишни талаб қилиш;

Давлат чегарасининг хавфсизлигига таҳдид юзага келганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, манфаатдор корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни хабардор қилган ҳолда, унинг айрим участкаларида турли ишларни амалга оширишни вақтинча чеклаш (бундан мудофаа аҳамиятига молик ишлар ёки табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бостириб киришни даф этиш, чегара қидирувларини ўтказиш, ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга етказиш чоғида, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни тиббиёт муассасаларига етказиш учун давлат органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбу-

рий тартибда фойдаланиш (бундан чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ҳамда бошқа ваколатхоналарига тегишли транспорт воситалари, шунингдек махсус транспорт воситалари мустасно). Мажбурий фойдаланиш натижасида транспорт воситасига етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**30-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида:

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриши;

жойлардаги Давлат чегараси чизигининг ғайриқонуний равишда ўзгартирилишига йўл қўймаслиги;

Давлат чегарасида қуролли бостириб киришга ва бошқа фитналарга чек қўйиши;

Давлат чегарасининг қонунга хилоф равишда кесиб ўтилишига йўл қўймаслиги, Давлат чегарасини бузувчиларни аниқлаши ва ушлаши;

Давлат чегараси режимига, чегара режимига ва ўтказиш пунктларидаги режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши;

шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни Давлат чегараси орқали ўтказишни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириши;

Давлат чегараси орқали контрабанда ашёларининг, товарларнинг ва транспорт воситаларининг қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига қарши курашиши, уларни аниқлаши ҳамда ушлаб қолиши, шунингдек бундай ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича зарур чоралар кўриши;

ўтказиш пунктларида ва уларга кириш жойларида шахслар ҳамда транспорт воситаларининг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриши;

ўтказиш пунктларида тартибсизликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларга чек қўйишга, ўтказиш пунктларида фаолиятни амалга оширувчи давлат назорати органлари ходимларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган олдиндан чоралар кўриши;

қалбаки, белгиланган намунада бўлмаган, нотўғри расмийлаштирилган, ўзга шахсга тегишли бўлган ҳужжатлар билан, ватанига қайтиш сертификати билан қайтаётган, шунингдек Ўзбекистон Республикасига кириш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини йўқотган шахсларга нисбатан сўровни ҳамда тушунтириш ишларини амалга ошириши;

Давлат чегарасининг режимини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга чек қўйиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қў-

шинлари зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**31-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг ва Ҳарбий ҳаво кучларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш хавфи юзага келганда ёки Давлат чегараси қонунга хилоф равишда кесиб ўтилаётганда Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидаги ҳаво кемаларини ва бошқа учувчи аппаратларни таниб олиш учун ўзидаги мавжуд воситалардан фойдаланиш;

вазиятни аниқлаш ҳамда Давлат чегараси самовий ҳудудда қонунга хилоф равишда кесиб ўтилишининг олдини олиш ёки унга чек қўйиш чораларини кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари бошқа қўшинларининг, тегишли давлат органларининг кучлари ва воситаларини қонунчиликда белгиланган тартибда жалб этиш;

Давлат чегарасини самовий ҳудудда қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш хавфи юзага келганда ёки Давлат чегараси қонунга хилоф равишда кесиб ўтилганда ёхуд парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудининг алоҳида ҳудудларида ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратлар парвозларини чеклаш ёки тақиқлаш;

Давлат чегарасининг самовий ҳудудда қонунга хилоф равишда кесиб ўтилиши ҳолатларини аниқлаштиришда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**32-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг ва Ҳарбий ҳаво кучларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида:

ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратлар томонидан Давлат чегарасини кесиб ўтиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши;

Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтган ёки унинг самовий ҳудудидан фойдаланиш тартибини бузган ҳаво кемаларининг ва бошқа учувчи аппаратларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги парвозларига чек қўйиши;

самовий ҳудуд назоратини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан ҳамкорликни таъминлаши;

енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганда ҳаво кемаларига ва бошқа учувчи аппаратларга қўмаклашиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **5-боб. Давлат чегараси режими**

#### **33-модда. Давлат чегараси режимини белгилаш**

Давлат чегараси режими:

Давлат чегарасини жиҳозлаш;

Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш;

Давлат чегарасини чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларида кесиб ўтиш;

Давлат чегарасини самовий ҳудудда кесиб ўтиш;

Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ва ҳаво йўлақларидан ташқарида кесиб ўтиш;

Давлат чегараси орқали товарларни олиб ўтиш;

Давлат чегараси орқали шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни ўтказиш;

ўтказиш пунктларида чегара назоратини амалга ошириш;

шахсларнинг, транспорт воситаларининг ва товарларнинг Давлат чегараси орқали ўтказилишини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш;

Давлат чегарасида ва чегара минтақасида ҳўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш;

чегаравий можароларни ҳал этиш тартибини белгилловчи қоидалар мажмуидан иборат.

Давлат чегараси режими Давлат чегарасида ва чегара минтақасида амал қилади.

Давлат чегараси режими Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчилиги ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

#### **34-модда. Давлат чегарасини жиҳозлаш**

Давлат чегарасини жиҳозлаш чегара белгиларини, тозалаш минтақаларини, чегара минтақасини бунёд этишдан, уларни сақлаш ва уларнинг соз ҳолда бўлишини таъминлашдан, уларни назорат тарзида кўздан кечиришдан, шунингдек чегарадош давлатлар билан биргаликда Давлат чегараси чизигининг ўтишини текширишни амалга оширишдан иборат.

Давлат чегарасини жиҳозлаш мақсадида чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларининг Ўзбекистон Республикасига тегишли бир қисмини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ушбу сувларда жойлашган оролларини

ўз ичига олган қуруқликдаги участкалари бўйлаб чегара минтақаси белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига чегара минтақаси ҳудудида ер участкалари:

жойнинг физик-географик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, чегара минтақасининг ички чегарасидан бошлаб муҳандислик-техника иншоотларини, тўсиқларини барпо этиш, чегара йўллари, кўприклар ва бошқа объектлар қуриш имконини берадиган кенгликда;

тозалаш минтақасини жиҳозлаш учун, чегара белгиларини, бошқа муҳандислик-техника иншоотлари ва тўсиқларини ўрнатиш ҳамда уларни сақлаш мақсадида доимий фойдаланишга берилади.

Чегара минтақасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **35-модда. Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш тартиби**

Давлат чегарасини кесиб ўтиш қўйидагича амалга оширилади:

қуруқликда, чегара дарёларида, кўлларида ва бошқа сув ҳавзаларида — халқаро темир йўлларнинг, автомобиль йўлларининг, дарё қатнови ва бошқа қатнов йўлларининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш учун белгиланган жойларида;

самовий ҳудудда — халқаро трассаларнинг Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойларида ёки ушбу мақсадлар учун ажратилган ҳаво йўлакларида.

Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ташқарида кесиб ўтишга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ йўл қўйилади.

Шахслар ва транспорт воситалари Давлат чегарасидан то автомобиль йўли ва темир йўл ўтказиш пунктларигача ёки қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётганда:

белгиланган йўналишни ўзгартириш;

транспорт воситаларига шахсларни чиқаришни, товарларни юклашни ҳамда транспорт воситаларидан шахсларни, товарларни туширишни амалга ошириш;

ҳар қандай учувчи аппаратларни ва учувчисиз учувчи аппаратларни ҳавога кўтаришни, қўндиришни ёки қабул қилишни амалга ошириш тақиқланади.

### **36-модда. Чегара дарёларида, кўлларида ва бошқа сув ҳавзаларида Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби**

Давлат чегараси ўтадиган, шунингдек бевосита Давлат чегараси чизиғига туташ бўлган ҳамда чегара минтақасида жойлашган сув объектлари чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ва чет давлатларнинг кемалари ҳамда ҳарбий кемалари чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларида Давлат

чегарасини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ кесиб ўтади.

Чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув хавзаларида Ўзбекистон Республикасининг ҳамда чет давлатларнинг ички сувларига ва портларига кирмасдан Давлат чегарасини кесиб ўтувчи кемалар қатнови халқаро шартномалар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг ва чет давлатларнинг кемалари ҳамда ҳарбий кемалари Давлат чегарасини кесиб ўтиш чоғида ва ички сувларда Ўзбекистон Республикаси портларига кирган ёки кирмаган ҳолда ҳаракатланаётганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси портларидан Давлат чегараси томон ҳаракатланаётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг талабига кўра:

агар мансублик (давлат ёки ҳарбий денгиз) байроғи кўтарилмаган бўлса, ўз мансублик байроғини кўтариши;

агар кеманинг ҳаракат йўналиши сузиш учун тақиқланган ёки вақтинча хавфли бўлган ҳудудга, шунингдек сунъий орол, қурилма ёки иншоот атрофида белгиланган хавфсизлик ҳудудига олиб борса ёхуд сузиш тартибининг бошқача тарзда бузилишига олиб келса, кеманинг ҳаракат йўналишини (курсини) ўзгартириши;

кеманинг ички сувларга кириш мақсади, ҳаракатланиш схемасидан (чизигидан) четга чиқиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиши;

тўхташи ва кўздан кечирувчи гуруҳни кема бортига текшириш учун қабул қилиши, кемага ва навигацияга оид ҳужжатларни, экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг, юклар ва товарларнинг ҳужжатларини тақдим этиши;

ҳаракат йўналишини (курсини) ўзгартириши ва Ўзбекистон Республикаси портига ёки кўрсатилган бошқа пунктга бориши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг ва чет давлатларнинг кемалари ҳамда ҳарбий кемаларига қўйидагилар тақиқланади:

сузиш учун тақиқланган ёки вақтинча хавфли бўлган ҳудудга, шунингдек сунъий орол атрофида белгиланган хавфсизлик ҳудудига кириш ёки мазкур йўналишнинг ҳаракатланиш схемасини (чизигини) ўзгартириш, агар улар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан олдиндан огоҳлантирилган бўлса;

чегара назорати амалга оширилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг рухсатсиз ёки бундай рухсатнома шартларини бузган ҳолда тўхташ, одамларни тушириш (чиқариш), товарларни юклаш (тушириш), сузувчи воситаларни бортга қабул қилиш ёки сувга тушириш, учувчи аппаратларни ҳавога кўтариш, бортга қўндириш (қабул қилиш), шунингдек овчилик, тадқиқот, изланиш фаолиятини ёхуд бошқа фаолиятни амалга ошириш, бундан одамларни ва кемаларни қутқариш зарурати ёки бошқа фавқулодда вазиятлар рўй бериши билан боғлиқ ҳоллар мустасно.

Чет давлатлар кемаларининг ҳамда ҳарбий кемаларининг Ўзбекистон Республикасининг ички сувларига ва портларига кириши, шунингдек уларда

бўлиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**37-модда. Давлат чегарасини самовий ҳудудда кесиб ўтиш тартиби**

Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойидан ўтказиш пункти томонга бораётган ва ортга қайтаётган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди орқали транзит тарзида учиб ўтаётган ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасарруфидаги тегишли ташкилотнинг қўйидаги талабларини бажариши шарт:

агар йўналиш тақиқланган ёки парвозлар учун вақтинча хавфли бўлган ҳудудга олиб борса, йўналишни ўзгартириши;

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудига кириш мақсади ёки учиш режасидан четга чиқиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиши; қўнишни белгиланган жойда амалга ошириши.

Ҳаво кемаларига Давлат чегарасидан то ўтказиш пунктигача бориш ёки ортга қайтиш чоғида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди орқали транзит тарзида учиб ўтиш чоғида қўйидагилар тақиқланади:

халқаро парвозлар учун очиқ бўлмаган аэропортларга ёки аэродромларга қўниш, шунингдек улардан учиш;

учиш режасида кўрсатилмаган аэропортларга ёки аэродромларга қўниш, шунингдек улардан учиш;

аэропортлардан ва аэродромлардан ташқарига қўниш;

белгиланган (тавсия этилган) ҳаво трассаларидан ва ҳаракат йўналишларидан четга чиқиш;

аэронавигацияга оид ахборот ҳужжатларида эълон қилинган тақиқланган зоналарнинг ва парвозлар чекланган зоналарнинг ҳудудлари устидан учиб ўтиш.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлар ёки одамларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа вазиятлар рўй берган ёки рўй бериш хавфи юзага келган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Инсонпарварлик рейсларини, шунингдек давлат вазифаларини бажариш билан боғлиқ халқаро парвозларни бажариш чоғида ҳаво кемалари халқаро парвозлар учун очиқ бўлмаган аэропортларга ёки аэродромларга истисно тариқасида қўниши мумкин. Мазкур парвозлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органлари билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасарруфидаги тегишли ташкилот томонидан берилган махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ва эксклав ҳудудлари оралиғида ҳаво кемаларининг парвозлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-



маси томонидан белгиланган тартибда чегара назорати ва давлат назоратининг бошқа турларидан ўтказилмаган ҳолда амалга оширилади.

### **38-модда. Ўтказиш пунктларидан ва ҳаво йўлакларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби**

Ўтказиш пунктларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтиш Ўзбекистон Республикасининг чегарадош давлатлар билан келишувларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўтказиш пунктларидан ва ҳаво йўлакларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтишга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

фавқулодда ҳолат жорий этилганда, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берганда ёки одамларнинг ҳаётига, соғлиғига ҳамда хавфсизлигига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатларнинг ҳаво кемалари, кемалари ва ҳарбий кемалари хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда;

Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатларнинг шикастланган дарё кемалари, чет давлатларнинг ҳарбий кемалари шатакка олинганда;

қутқарилган одамларни ташишда;

Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар кемаларининг экипажи аъзоларига бирламчи шошилиш ёрдам кўрсатишда.

Алоҳида ҳолларда, хўжалик фаолиятини амалга оширишда (чорва молларини ҳайдаб ўтишда ва бошқа ҳолларда), шунингдек сув, транспорт, саноат ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган чегаралараро объектларга, телекоммуникациялар тармоқлари ва электр узатиш линияларига хизмат кўрсатишда, уларни таъмирлашда, улардан фойдаланишда Давлат чегарасини кесиб ўтиш мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан чегарадош давлатнинг ваколатли органлари билан келишилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг руҳсати билан ўтказиш пунктларидан ташқарида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларини бажариш чоғида чегарадош давлатнинг ваколатли органлари билан келишувга кўра, Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ташқарида кесиб ўтиш ҳуқуқи берилади.

### **39-модда. Товарларни Давлат чегараси орқали олиб ўтиш**

Товарларни Давлат чегараси орқали олиб ўтиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган жойларда ва тартибда амалга оширилади.

### **40-модда. Шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни Давлат чегараси орқали ўтказиш**

Шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни Давлат чегараси орқали ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктларида амалга оширилади.

Давлат чегараси орқали ўтказиш шахсларнинг ва транспорт воситаларининг Давлат чегарасини кесиб ўтишига, Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб киришни ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни амалга оширишга рухсат беришдан иборатдир.

Давлат чегараси орқали ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

жисмоний шахслар учун — Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқига доир ҳақиқий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

транспорт воситалари ва товарлар учун — транспорт воситаларига ва товарларга доир қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатларнинг мавжудлиги.

Ўтказиш пунктида назорат тартиб-таомиллари тугалланганидан кейин ҳамда шахс, транспорт воситаси ўтказиш пунктдан ташқарига чиқиб кетганда ва товарлар олиб чиқилганда Давлат чегараси орқали ўтказиш якунланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасига киришига қонунчиликка мувофиқ рухсат этилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган шахслар Давлат чегараси орқали ўтказилмайди.

Ўтказиш пунктларининг рўйхати, жойлашиши, уларни қуриш (реконструкция қилиш), очиш (ёпиш) тартиби, уларда давлат назоратини ташкил этиш, шунингдек ўтказиш пунктларида шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни Давлат чегараси орқали ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **41-модда. Ўтказиш пунктларида чегара назоратини амалга ошириш**

Чегара назорати ўтказиш пунктларида шахсларга, транспорт воситаларига ва товарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан амалга ошириладиган давлат назоратининг бир тури бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

шахсларнинг ҳужжатларини текширишни, шу жумладан шахсга доир биометрик маълумотларга ишлов бериш орқали текширишни;

шахсларнинг оғзаки сўровини;

Ўзбекистон Республикасига киришига қонунчиликка мувофиқ рухсат этилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган шахсларнинг Давлат чегараси орқали ўтказилишининг олдини олишни;

божхона органлари билан ҳамкорликда транспорт воситаларини ва товарларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечиришни ва кўриқдан ўтказишни;

транспорт воситаларини ва товарларни кузатиб туришни, шунингдек ўтказиш пунктдан Давлат чегарасигача кузатиб боришни ва ундан ортга қайтишда кузатиб келишни;

давлат назорати органларининг ўтказиш пунктларида тегишли назорат тартиб-таомиллари амалга оширганлиги тўғрисидаги қайдлари мавжудлигини текширишни;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида белгиланган бошқа назорат тартиб-таомилларини.

Ўтказиш пунктининг фаолият кўрсатиши хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ва бошқа ваколатли давлат органларининг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан шахсий кўрикдан ўтказиш тартиб-таомили амалга оширилиши мумкин.

#### **42-модда. Шахсларнинг, транспорт воситаларининг ва товарларнинг Давлат чегараси орқали ўтказилишини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш**

Айрим ўтказиш пунктларида Давлат чегараси орқали шахсларнинг, транспорт воситаларининг ҳамда товарларнинг ўтказилиши қуйидаги асосларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вақтинча чекланиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида;

ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг карантинли ҳамда бошқа хавfli юқумли касалликлари юзага келиши ва тарқалиши тўғрисидаги ахборотига асосан;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берганда;

чегарадош давлат ваколатли органларининг мурожаатларига асосан;

ўтказиш пункти ҳудудида қурилиш-техник ишлар олиб борилаётганда.

Давлат чегараси орқали ўтказиш вақтинча чекланганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан 48 соат ичида тегишли давлатларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хабарнома юборилади.

Давлат чегараси орқали ўтказиш вақтинча чекланиши ёки тўхтатиб турилиши юзасидан чоралар жорий этилишидан 24 соат олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан чегарадош давлатларнинг чегара органлари хабардор қилинади.

#### **43-модда. Давлат чегарасида ва чегара минтақасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш**

Давлат чегарасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг ва чегарадош давлатларнинг миллий хавфсизлигига зарар етказмаслиги ёки зарар етказиш хавфини юзага келтирмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажаришда тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан чегара минтақасида қўйидагиларга нисбатан қўшимча режим чекловлари ва тақиқлари жорий этилиши мумкин:

чегара минтақасига бегона шахсларнинг киришига;

хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият амалга ошириладиган ҳудудларга киришга;

сузиш воситаларининг чегара дарёларига, кўлларига ва бошқа сув ҳавзаларига киришига.

Чегара дарёларида, кўлларида ва Ўзбекистон Республикасининг ички сувларидаги бошқа сув ҳавзаларида ҳаракатланувчи кичик ҳажмли кемалар пристанларда, причалларда, бошқа тўхташ пунктларида мажбурий равишда ҳисобга олинади ҳамда сақланади. Ушбу кемаларнинг тўхташ пунктларидан чиқиши ва ушбу пунктларга қайтиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан белгиланади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Давлат чегарасида ва чегара минтақасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **44-модда. Чегаравий можароларни ҳал этиш**

Давлат чегарасидаги Давлат чегараси режимининг Ўзбекистон Республикасининг ёки чегарадош давлатларнинг манфаатларига дахлдор тарзда бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса чегаравий можародир.

Чегаравий можароларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

#### **45-модда. Ўзбекистон Республикасининг чегара бўйича вакиллари**

Давлат чегараси режимига риоя этилишига доир масалаларни ҳал қилиш ва чегаравий можароларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасининг чегара бўйича вакиллари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси чегара бўйича вакилларининг ваколатлари ва фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳарбий ҳаво кемаларининг, бошқа ҳарбий объектларининг ёки ҳарбий хизматчиларининг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган чегаравий можароларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек тегишли давлат органлари вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг чегара бўйича вакиллари ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вакиллари томонидан ҳал этилмаган масалалар ва чегаравий можаролар дипломатик тартибда ҳал қилинади.

**46-модда. Давлат чегараси режимининг бузилиши**

Куйидаги қоидаларни бузиш Давлат чегараси режимининг бузилишидир:

Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш;

Давлат чегараси орқали товарларни олиб ўтиш;

Давлат чегарасида ва чегара минтақасида бўлиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш.

**47-модда. Давлат чегарасини бузувчилар**

Давлат чегарасини бузувчилар куйидагилардан иборат:

Ўтказиш пунктларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтган ёки кесиб ўтишга уринаётган ёхуд ўтказиш пунктларида Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузган ҳолда, Давлат чегарасини кесиб ўтган ёки кесиб ўтишга уринаётган шахслар;

ички сувларга, шунингдек чегара дарёларига, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларига Давлат чегарасини кесиб ўтишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда кирган чет эл кемалари ва ҳарбий кемалари;

Давлат чегарасини самовий ҳудудда кесиб ўтиш тартибини бузган ҳолда Давлат чегарасини кесиб ўтган ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратлар.

Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ташқарида ҳар қандай техник ёки бошқа воситалар билан кесиб ўтиш ҳам Давлат чегарасини бузишдир.

**6-боб. Чегара режими****48-модда. Чегара режимини белгилаш**

Чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Чегара зонасида чегара режимига риоя этилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг зиммасига ўз ваколатлари доирасида юклатилади.

**49-модда. Чегара зонасини белгилаш**

Чегара зонаси Давлат чегарасига туташ бўлган туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудуди доирасида чегара режимини таъминлаш учун белгиланади.

Чегара зонасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**50-модда. Шахсларнинг чегара зонасига кириши (ундан чиқиши), ундан ўтиши, у ерда бўлиши (яшаши), ҳаракатланиши, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириши**

Чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш) ва ҳаракатланиш:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан — шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан чегара зонасига кириш учун бериладиган рухсатномаларга асосан;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар халқаро қатнов йўллари бўйича Ўзбекистон Республикасидан чиқиш мақсадида ўтказиш пункти томонга ҳаракатланаётганда — шахсни тасдиқловчи ҳамда Давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга асосан амалга оширилади. Мазкур тоифадаги шахслар томонидан ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш тақиқланади.

Чегара зонасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида қўйидагилар тақиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига зарар етказиш; чегара режими бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни юзага келтириш;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ўз вазифаларини бажаришига монелик қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан чегара зонасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**51-модда. Давлат чегарасидаги профилактик минтақа**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келиши ва тарқалишидан муҳофаза қилиш мақсадида Давлат чегараси бўйлаб зарур ветеринария хавфсизлигини таъминловчи профилактик минтақа белгиланади, у ерда ҳайвонларни боқиш ва сақлаш тақиқланади.

Профилактик минтақанинг кенглиги, уни тўсиб қўйиш тартиби ва унинг режими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**52-модда. Чегара режимининг бузилиши**

Чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш) ва ҳаракатланиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибига шахслар томонидан риоя этилмаслиги чегара режимининг бузилишидир.

**7-боб. Ўтказиш пунктларидаги режим****53-модда. Ўтказиш пунктларидаги режимни белгилаш**

Ўтказиш пунктларидаги режим назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш, шахсларнинг ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларига келиши, у ерда бўлиши ҳамда у ердан чиқиши, товарларнинг олиб кирилиши, туриши ва олиб чиқилиши, ўтказиш пунктлари ҳудудида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуини ўз ичига олади.

Ўтказиш пунктларидаги режим Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати томонидан барча давлат назорати органлари хизмат фаолиятининг зарур шарт-шароитларини сақлаб туриш мақсадида белгиланади.

Ўтказиш пунктларидаги режим қуйидагиларга йўл қўймаслиги керак:

шахсларнинг ва транспорт воситаларининг Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтишига;

товарларнинг Давлат чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига;

бегона шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги кириш чекланган жойларга, хоналарга (объектларга) ва транспорт воситаларига киришига.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўтказиш пунктларида фаолиятни амалга оширувчи давлат назорати органлари ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда:

шахсларнинг ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиш, товарларнинг олиб ўтилиши схемасини, шунингдек транспорт воситалари учун ҳаракатланиш тартибини ҳамда тўхташ жойларини белгилайди;

назорат тартиб-таомиллари амалга ошириладиган хоналарга ва бошқа жойларга, шунингдек транспорт воситаларига кириш тартибини белгилайди;

ўтказиш пунктларида режимга риоя этилишига доир чораларни ишлаб чиқади ва назоратни таъминлайди.

Ўтказиш пункти ҳудудига қуролни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ва радиоактив моддаларни, шунингдек одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдирувчи бошқа моддаларни ҳамда буюмларни олиб кириш (ундан олиб чиқиш) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг рухсати билан амалга оширилади, бундан мазкур товарларнинг Давлат чегараси орқали олиб ўтилиши ҳоллари мустасно.

Транспорт воситаларининг ўтказиш пунктлари ҳудудидан чиқиб кетиши (тўхташ жойини ўзгартириши) тегишли давлат назорати органлари билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг рухсати билан амалга оширилади.

Ўтказиш пунктдан чиқиш ёки ўтказиш пунктига кириш чоғида йўловчиларни транспорт воситаларига чиқариш (улардан тушириш) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни ўтказиш пунктла-

рида юклаш (тушириш) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини хабардор қилган ҳолда, божхона органларининг рухсати билан амалга оширилади.

**54-модда. Ўтказиш пунктидаги қўшимча режим қоидалари**

Ўтказиш пунктида бевосита назорат тартиб-таомиллари амалга ошириладиган ҳудудлар, хоналар белгиланади ва қонунчиликда назарда тутилган қўшимча режим қоидалари жорий этилади.

**55-модда. Шахсларнинг ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларига кириши ҳамда ўтказиш пунктларидан чиқиши, товарларни ўтказиш пунктларига олиб кириш ва ўтказиш пунктларидан олиб чиқиш тартиби**

Шахсларнинг ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларига кириши ҳамда ўтказиш пунктларидан чиқиши, товарларни ўтказиш пунктларига олиб кириш ва ўтказиш пунктларидан олиб чиқиш шахсларда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқига доир ҳужжатлар, транспорт воситаларига ва товарларга нисбатан эса қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган жойларда амалга оширилади.

Ўтказиш пунктларида фаолиятни амалга оширувчи давлат назорати органларининг вакиллари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг ходимларини ҳамда уларнинг транспорт воситаларини ўтказиш пунктлари ҳудудига кириштиш:

темир йўл, автомобиль ва дарё ўтказиш пунктларида — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари томонидан бериладиган;

авиация ўтказиш пунктларида — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасарруфидаги тегишли ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади.

Ўтказиш пунктларида фаолиятни амалга оширувчи давлат назорати органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг ўтказиш пунктларига кириши ҳамда ўтказиш пунктларидан чиқиши устувор тартибда амалга оширилади.

**56-модда. Йўловчиларни халқаро ташишни амалга оширувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Йўловчиларни халқаро ташишни амалга оширувчи юридик шахслар: Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби тўғрисидаги ахборотни олиш; шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ йўловчиларнинг шахсга доир маълумотларини уларнинг ёзма розилигисиз тўплаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Йўловчиларни халқаро ташишни амалга оширувчи юридик шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Йўловчиларни халқаро ташишни амалга оширувчи юридик шахслар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига ва божхона органларига халқаро қатнов йўлларида ҳаракатланувчи йўловчилар ҳамда уларнинг багажи тўғрисидаги маълумотларни олдиндан тақдим этиши;

ўзига тегишли бўлган (ўзи фойдаланадиган) транспорт воситаларига шахсларнинг қонунга хилоф равишда чиқишининг (улардан тушишининг) ва улардан Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш учун фойдаланишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриши шарт.

Йўловчиларни халқаро ташишни амалга оширувчи юридик шахсларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**57-модда. Ўтказиш пунктларида Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўтказиш пунктларида Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахслар ўтказиш пунктидаги режим, назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш кетма-кетлиги ва тартиби тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ўтказиш пунктининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа ахборотни олиш ҳуқуқига эга, бундан фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборот мустасно.

Ўтказиш пунктларида Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахслар давлат назорати органлари ходимларининг талабига қўра:

Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни тақдим этиши;

Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар тўғрисида хабардор қилиши;

транспорт воситаларини ва товарларни кўрикдан ўтказиш ёки кўздан кечириш учун тақдим этиши шарт, бундан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўтказиш пунктларида Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўтказиш пунктларида Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларга ўтказиш пунктлари ҳудудида қўйидагилар тақиқланади:

назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш жараёнини фото- ва видеокайд этиш воситалари орқали тасвирга олиш;

назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш жараёнига тўсқинлик қилувчи мобиль алоқа воситалари орқали сўзлашувлар олиб бориш;

текшириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар ичида бошқа нарсаларни қолдириш;

давлат назорати органлари ходимларини назорат тартиб-таомилларини

амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузишга ундашга (мойил қилишга) қаратилган ҳаракатларни содир этиш;

назорат тартиб-таомилларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

**58-модда. Ўтказиш пунктларида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш**

Хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахсларга ўтказиш пунктларига кириш (улардан чиқиш) учун рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ёки Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасарруфидаги тегишли ташкилот томонидан берилади.

Ўтказиш пунктларида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида қўйидагилар тақиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига зарар етказиш;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш;

табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш;

чегарадош давлатларга зарар етказиш ёки шундай зарар етказилиши хавфини юзага келтириш;

давлат назорати органларига назорат тартиб-таомилларини амалга оширишда тўсқинлик қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўтказиш пунктларида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**59-модда. Ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш**

Шахсларнинг ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларида бўлиш ҳамда ҳаракатланиш тартибига риоя этмаганлиги, ўтказиш пунктларидаги кириш чекланган жойларга ва транспорт воситаларига шахсларнинг ғайриқонуний равишда кириши ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш деб ҳисобланади.

**8-боб. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни (хизмат ҳайвонларини), қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш**

**60-модда. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш шартлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ҳамда Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) (бундан буён матнда ҳарбий хизматчилар (ходимлар) деб юритилади) Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга ошириш чоғида фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда

жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилишидан, махсус воситалар, қурол-яроғ ва ҳарбий техника қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан шундай огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёки уларнинг қўлланилишини кечиктириш одамларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғи учун бевосита хавф соладиган ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар, қурол-яроғ ва ҳарбий техника қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Жисмоний куч ишлатиш махсус воситаларни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш чоғида ҳарбий хизматчи (ходим) атрофдаги шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар, қурол-яроғ ва ҳарбий техника қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатилиши керак.

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар, қурол-яроғ ва ҳарбий техника қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек қурол-яроғ ва ҳарбий техника қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида тегишли прокурорга дарҳол хабар берилади.

Қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатган, махсус воситаларни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситаларнинг, қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг қўлланилиши қонунда белгиланган асосларга кўра ҳамда тартибда амалга оширилган бўлса, ҳарбий хизматчи (ходим) жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш чоғида жисмоний ҳамда юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

### **61-модда. Жисмоний куч ишлатиш**

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга ошириш чоғида қуйидаги мақсадларда жисмоний куч ишлатишга, шу жумладан қўл остидаги воситалардан фойдаланган ҳолда жисмоний куч ишлатишга ҳақли:

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, шунингдек ҳуқуқбузарларни ушлаш;

қўриқланадиган объектларни, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, транспорт воситаларини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйиш;

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни ушлаш, олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлаш, ушбу шахслар қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш;

ўзига ва бошқа фуқароларга қилинган хужумни қайтариш;

ўзининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш.

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ушбу Қонунда махсус воситаларнинг, қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, хужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

## **62-модда. Махсус воситаларни қўллаш**

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга ошириш чоғида резина таёқлар, қўлкишанлар каби махсус воситаларни ёки бошқа боғлаш воситаларини, электрошок қурилмаларини, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товушли мосламаларни, сув билан зарба берувчи машиналарни, кўздан ёш оқизувчи моддаларни, транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларини ва хизмат хайвонларини қуйидаги мақсадларда қўллаш ҳуқуқига эга:

ўзига ва бошқа фуқароларга қилинган хужумни қайтариш;

Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг объектларига қилинган хужумни қайтариш;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ўзининг қонуний талабларига бўйсунмасликни ёки қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш;

ҳуқуқбузарликларнинг ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

ҳуқуқбузарларни ушлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этган ёки ўз шахсини тасдиқлашдан бўйин товлаётган шахсларни, агар мазкур шахслар жисмонан ёки бошқача тарзда қаршилик кўрсатаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ёки божхона органларининг хизмат хоналарига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориш;

ушланган шахсларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаш.

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ушбу Қонунда қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ёхуд бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмов суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш тақиқланади, бундан одамнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ёхуд бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга ошириш чоғида ҳарбий хизматчилар (ходимлар) томонидан қўлланиладиган махсус воситалар рўйхати қонунчиликда белгиланади.

### **63-модда. Хизмат ҳайвонларини қўллаш**

Хизмат ҳайвонлари махсус воситаларнинг турларидан бири бўлиб, чегара нарядларини кучайтириш учун мўлжалланган ҳамда чегара зонасида, чегараолди ҳудудида ва ўтказиш пунктларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда, шунингдек ҳуқуқбузарларга нисбатан жисмоний, руҳий ва бошқача таъсир кўрсатишда фойдаланиладиган итлар, отлар ва юк ташувчи ҳайвонлар хизмат ҳайвонлари жумласига киради.

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга ошириш чоғида хизмат ҳайвонларини қуйидаги мақсадларда қўллайди:

чегара нарядларини кучайтириш, ҳуқуқбузарларни излаш ва ушлаш, давлат органларининг объектларини қўриқлаш;

шахсларни, транспорт воситалари ва товарларни кўриқдан ўтказиш, контрабанда ашёларини аниқлаш мақсадида жойларни кўздан кечириш;

ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ҳаракатланиши ва юкларни ташуви;

ҳуқуқбузарларга нисбатан жисмоний, руҳий ва бошқача таъсир кўрсатиш;

бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

### **64-модда. Қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш**

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш чоғида қурол-яроғни ва ҳарбий техникани қуйидаги мақсадларда қўллайди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролли бостириб киришни қайтариш ҳамда Давлат чегарасидаги қуролли ҳужумларга ва бошқа фитналарга чек қўйиш;

ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратлар томонидан самовий ҳудудда Давлат чегараси бузилишларига чек қўйиш;

агар Давлат чегарасининг бузилишини бартараф этишни ёки Давлат чегарасини бузувчиларни ушлашни бошқа воситалар ва усулларни қўллаган ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтган ёки кесиб ўтишга уринаётган шахсларни ушлаш ҳамда транспорт воситаларини тўхтатиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг объектларига қилинган ҳужумни қайтариш;

ўзига ҳамда бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган ҳужумни қайтариш;

хавф-хатар сигналини бериш ёки ёрдамга чақириш, ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ҳамда бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантириш.

Қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ёхуд бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно;

Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтган ёхуд кесиб ўтишга уринаётган жисмоний шахсларга нисбатан, агар бу ҳақиқатан ҳам тасодифан ёки бахтсиз ҳодиса ёхуд енгиб бўлмас куч ҳолатлари оқибатида рўй берган (рўй бераётган) бўлса.

Қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллашдан аввал уларни қўллаш нияти ҳақида очиқ-равшан тарзда ифодаланган огоҳлантириш ва (ёки) огоҳлантирувчи ўқ узиш амалга оширилиши керак, бундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролли бостириб киришни қайтариш, Давлат чегарасидаги қуролли ҳужумларга ва бошқа фитналарга чек қўйиш, Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг объектларига қилинган ҳужумни қайтариш ҳоллари, шунингдек ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) ёки фуқаронинг ҳаётига бевоқиф хавф мавжуд бўлган ҳоллар мустасно.

Давлат чегарасини бузувчиларга қарши қурол-яроғ ва ҳарбий техника уларнинг куч ишлатганлигига жавобан ёки ҳуқуқбузарликларга барҳам беришни ёки ҳуқуқбузарларни ушлашни бошқа воситалар билан амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

### **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

**65-модда. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) қонуний талабларини бажаришнинг мажбурийлиги**

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи ҳар-

бий хизматчининг (ходимнинг) ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талаблари барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

**66-модда. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи ҳарбий хизматчиларни (ходимларни) ҳуқуқий ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширувчи ҳарбий хизматчиларни (ходимларни) ҳуқуқий ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**67-модда. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тадбирларини молиявий ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминлаш**

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тадбирларини молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тадбирларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**68-модда. Давлат органларининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Давлат органларининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

**69-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**70-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 217-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 821–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 218-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 621–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) **XX моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январда қабул қилинган **«Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–199-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 1, 1-модда) **8-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–240-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда) **10-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **17-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **35-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган **«Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **26-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелида қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **109-моддаси**.



**71-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**72-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**73-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 сентябрь,  
ЎРҚ–868-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **397 Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш, жумладан бошқарувни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришнинг келгуси истиқболларини белгилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти (кейинги ўринларда — Институт) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қўйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг барқарор тиббий маданиятини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илғор ва мақбул хорижий тажриба асосида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг устувор йўналишлари, ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожланиш сценарийлари ва стратегиялари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббий статистикани шакллантириш ва юритиш, статистик кўрсаткичларни шакллантиришда халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартларига кўра, тегишли равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ходимларига тенглаштирилади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Институт билан биргаликда икки ой муддатда 2024 — 2026 йилларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли тарғиб қилиш ва оммалаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва унда, жумладан қўйидагиларни назарда тутсин:

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган йилига 25 тагача промо-роликлар, дастур ва телекўрсатувлар тайёрлаш;

уяли телефон фойдаланувчиларига касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи асослари бўйича ҳар куни қисқа хабарлар (SMS) юбориш;

журналистлар ва бошқа матбуот вакиллари ўртасида ҳар йили «Соғлом турмуш тарзи бўйича йилнинг энг яхши тарғиботчиси» танловини ўтказиш;

бозорлар, самолёт, поезд, автобус, метро, супермаркетлар ва фуқаролар оммавий йиғиладиган бошқа жойларда соғлом турмуш тарзи бўйича роликлар намойиш қилиш, радиомаслаҳатлар тақдим қилиш ва буклетлар тарқатишни таъминлаш.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро ташкилотлар ва хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда 2023 йил якунига қадар илғор хорижий тажриба асосида қуйидагиларга асосий эътиборни қаратган ҳолда «Аҳоли саломатлиги — 2030» миллий стратегияси ишлаб чиқилишини таъминласин:

аҳолини максимал қамраб олган ҳолда бирламчи тиббий-санитария хизматини унга янада яқинлаштириш;

фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини, соғлом овқатланишини ва жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни аҳоли орасида ҳар томонлама тарғиб қилиш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш;

ихтисослашган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш;

соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, қоғозбозликка, асоссиз бюрократияга ва навбатларга чек қўйиш, аҳолига тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганида қулайликлар яратиш;

замонавий ва самарали бошқарув усулларини жорий қилиш ва тиббий хизматлар сифатини ошириш;

кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим ва илм-фанни ривожлантириш;

хусусий секторни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш ҳамда йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш;

тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

фармацевтика тармоғини самарали тартибга солиш.

5. Қуйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига ўтказилсин:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги;

2024 йил 1 январдан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси.

6. Белгилансинки:

мазкур Фармоннинг 5-бандида кўрсатилган муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига мустақил юридик шахс мақоми ҳамда улар фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги манбалари ва тартибини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фармацевтика саноати барқарор ривожланиши учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг кузатув кенгаши тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун жалб қилинадиган етказиб берувчилар (давлат ва нодавлат)ни, харид қилинадиган тиббий ёрдамлар ҳажмини мустақил белгилайди ва ўз бюджетини шакллантиради;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси 2027 йил 1 январдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан чиқади ва мустақил жамғарма сифатида фаолият юритади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланади;

соғлиқни сақлаш вазири ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижрочи директори 2026 йилнинг якунига қадар тиббий суғуртанинг республика бўйлаб тўлиқ жорий этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. 2024 йил 1 январдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида қуйидагиларни бирлаштириш орқали юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси) ташкил этилсин:

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси;

Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси;

Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

8. Қуйидагилар 2024 йил 1 январдан Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган 350 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар;

спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган 50 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг бўш турган бинолари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини оммавий савдолар (аукцион)да сотишдан тушадиган маблағларнинг республика бюджетига ўтказиладиган 50 фоизи;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг мол-мулкни ижарага беришдан тушадиган тушумларнинг, Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг операцион хара-

жатларини чегириб ташлаган ҳолда, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган 100 фоизи;

халқаро молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг грантлари ва техник кўмак маблағлари;

Ҳазначилик хизмати кўмитаси томонидан Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилансинки, Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар сотиб олиш ва ахборот-коммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш;

тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг ходимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологик мураккаб операцияларни амалга ошириш учун мутахассисларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

маҳаллий ва хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги кенг кўламли вазибаларни амалга ошириш мақсадида экспертлик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш, уларга асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини харид қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада амалга оширилмайдиган жарроҳлик амалиётларини хорижий мамлакатларда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотла-

рининг юқори технологик ташхис ва даволаш-профилактика хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва стажировкасини ташкил этиш, шу жумладан хорижий мамлакатларга ташрифларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

олий ва ўрта тиббиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси ва унинг дирекцияси, шунингдек, Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш.

10. 2024 йил 1 январдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида вазирлик бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси дирекцияси ташкил этилсин.

11. Белгилансинки:

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси мазкур Фармонда назарда тутилган бирлаштирилаётган жамғармаларнинг барча мажбуриятлари ва даромадлар манбалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари унинг кузатув кенгаши қарорига асосан қатъий равишда ушбу Фармонда кўрсатилган йўналишларга сарфланади;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг жорий молия йилида фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган) маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни ҳамда унинг кузатув кенгаши таркибини тасдиқласин.

Бунда, Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашнинг шаффоф тартибини, унинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобдорликни, шунингдек, фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларини назарда тутиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилсин.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 сентябрь,  
ПФ–156-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**398** **Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 — 2022 йилларда оналар ўлими кўрсаткичи 1,5 бараварга, гўдаклар ўлими эса 1,3 бараварга камайишига эришилди.

Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларни бепул дори воситалари, тиббий буюмлар ва махсус озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилиб, уларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўлами кенгайтирилди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар анестезиология-реанимация бўлимлари ҳамда кечаю кундуз шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия постлари, шунингдек, поликлиникаларда болалар бўлимлари ташкил этилди.

Барча «тиббиёт бригадалари» таркибига қўшимча педиатрия ҳамшираси ва доя штатлари ажратилди. Болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни зарур витамин комплекслари, йод препарати, темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминлаш жорий этилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг самарали бошқарув тизимини яратиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика «Она ва бола скрининг» маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда — Марказ);

ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда «Она ва бола скрининг» марказлари негизида Марказнинг 14 та ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи оналар саломатлигини муҳофаза қилишнинг такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж тизими жорий қилинсин:

а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида «тиббиёт бригадалари»:

ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳомиладор аёлларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш ва даврий тиббий кўрикдан ўтишини ташкил этади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг «Аёллар

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 сентябрда эълон қилинган.



маслаҳатхонаси» бўлими билан биргаликда ҳомиладор аёллар ҳолатини доимий мониторинг қилиб боради ҳамда хавф омиллари аниқланганда Марказнинг ҳудудий филиалларига юборади;

туғуруқдан кейинги даврда она ва боланинг даврий патронажини олиб боради ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чораларини кўради;

репродуктив ёшдаги аҳоли ва ҳомиладор аёллар ўртасида тиббий маданият, касалликлар профилактикаси ва соғлом оилани режалаштириш бўйича тарғибот ишларини олиб боради;

б) Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий филиаллари:

хавф омиллари аниқланган аёлларни тиббий текширувдан ўтказди, уларни даволайди ҳамда зарур ҳолларда республика даражасидаги тиббиёт муассасаларига йўналтиради;

никоҳланувчилар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар ҳамда чақалоқларни молекуляр тиббий-генетик текширувлардан ўтказди;

ирсий касалликлар аниқланган болаларни махсус дори воситалари ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди;

соғлом оилани режалаштириш ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширади;

в) Республика перинатал маркази:

эрта туғуруқ хавфи бўлган ҳомиладорларга, шунингдек, муддатига етмасдан (22 — 28 ҳафталик) туғилган чақалоқларга барча турдаги тиббий хизматлар кўрсатади;

алоҳида тиббий кўрсатмаларга асосан ҳомиладорлар ва чақалоқларга Марказнинг ҳудудий филиалларида консултатив ёрдам беради ҳамда зарур ҳолларда уларга тиббий стационар ёрдам кўрсатади;

г) Марказ:

республика, ҳудудий тиббиёт муассасалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болалар скрининги, шунингдек репродуктив ёшдаги аҳоли орасида экстрагенитал, туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси бўйича ихтисослаштирилган ҳамда юқори технологик диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этади;

акушерлик-гинекология, тиббий-генетик маслаҳат, соғлом оилани режалаштириш, молекуляр-генетик текширув, пластик ва эстетик гинекология, ёрдамчи репродуктив технологиялар хизматларини ташкил этади ва ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштиради;

репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болаларга малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда иштирок этади;

репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар, янги туғилган болалар касалликлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ўсмирлар орасида репродуктив аъзолар патологиясининг олдини олиш бўйича тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этади;

хорижий илмий-тадқиқот тиббиёт марказлари, клиникалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширади;

соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда илғор усуллар ва технологияларни йўлга қўйиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликнинг олдини олиш чораларини кўради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2023 йил 1 октябрдан бошлаб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари мутахассисларини жорий этилаётган янги тизим бўйича ўқитишни ташкил қилсин.

### 3. Белгилансинки:

а) Марказ Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика «Она ва бола скрининг» маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг;

Марказнинг ҳудудий филиаллари тегишинча ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда «Она ва бола скрининг» марказларининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари туғуруққа кўмаклашиш соҳасидаги тиббиёт муассасалари фаолиятига услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

в) янги ташкил этилаётган Марказ таркибидаги аҳоли репродуктив саломатлиги ва скрининг хизматида Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ҳамда Республика «Она ва бола скрининг» маркази учун амалда белгиланган молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади;

г) Марказнинг электрон навбат асосида даволанишга йўналтириладиган ва имтиёзли тоифага кирувчи беморларни даволаш харажатлари Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилади.

### 4. Қўйидагилар:

Оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш дастури 2-иловага\* мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда туғуруқ комплексларида қўшимча киритиладиган туғуруқ ўринлари сони 3-иловага\* мувофиқ;

Ҳудудий тиббиёт муассасалари учун харид қилиниши режалаштирилган тиббий жиҳозлар тақсимои 4, 4а — 4о-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳудудларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича алоҳида «йўл хариталари» тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

\* 1 — 4о-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига «йўл хариталари»да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йил 1 сентябрга қадар Марказда замонавий ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган энг илғор диагностика ва даволаш стандартларини амалиётга жорий этиб, ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини йўлга қўйсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўллаш бўйича замонавий клиник протоколлар ва стандартлар ишлаб чиқади ҳамда ушбу йўналишдаги барча тиббиёт ташкилотлари фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштиради;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили 100 тагача имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ёрдамчи репродуктив технологиялар усуллари муваффақиятли қўлланганда ушбу амалиётни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда бепуштлиқ сабабли фарзандсиз бўлган оилаларга, шу жумладан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга нисбатан ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўллаш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликни камайтириш, туғма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш аҳамияти ва зарурати тўғрисида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Қўйидагилар 2026 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин:

ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқланган дастурлар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича четдан олиб кириладиган юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, дори воситалари ва болалар учун махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

фенилкетонурияга чалинган болалар учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан ке-

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

либ чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари И.Э. Баситханова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 8 сентябрь,  
ПҚ–296-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**399** Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023 — 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришга доир ишлаб чиқиладиган ҳужжатларнинг қўйидаги даражалари белгилансин:

биринчи даражада — ҳудудларнинг рақобат устунликлари ва барқарор ривожланиш драйверларини аниқлаб берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси (кейинги ўринларда — Бош схема) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемалари (кейинги ўринларда — ҳудудий схемалар), шунингдек, шаҳарлар (шаҳарчалар) ва шаҳар атрофи зоналари интеграцияси асосида Агломерацияларни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади;

иккинчи даражада — шаҳарлар (шаҳарчалар) ва шаҳар атрофи зоналари интеграцияси асосида шаҳарларнинг (шаҳарчаларнинг) бош режалари (кейинги ўринларда — шаҳарларнинг бош режалари), шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари (кейинги ўринларда — қишлоқ аҳоли пунктларининг схемалари) ишлаб чиқилади;

учинчи даражада — ҳудудларнинг аниқ муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган, ўзида шаҳарсозлик, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа лойиҳа ечимларини мужассамлаштирган мастер режалари ёки батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан қамраб олиш даражалари I-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қўйидагилар:**

Бош схема, ҳудудий схемалар, агломерацияларни ривожлантириш стратегиялари, шаҳарларнинг бош режалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

\*\* I-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

схемаларини ишлаб чиқишда соҳа ва тармоқлар кесимида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича мувофиқлаштирувчи орган этиб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш доирасида узоқ муддатли ривожланиш йўналишларини ва прогноз параметрларини белгилаш бўйича масъул орган этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

Бош схема, ҳудудий схемалар ва агломерацияларни ривожлантириш стратегиялари, шаҳарларнинг бош режалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схемаларини ишлаб чиқиш бўйича масъул орган этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;

мастер режалар ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар белгилансин.

Мастер режалар ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда хусусий ташаббускорларга буюртмачи вазифаларини амалга оширишга рухсат этилади.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Бош схема Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги йўналишлар бўйича умумдавлат аҳамиятига молик кўп мақсадли стратегик ҳужжат сифатида эътироф этилади:

аҳолини ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш;

ҳудудларнинг жорий ҳолати, салоҳиятини аниқлаш, ўзаро боғлиқлик мақсадларини ва хусусиятини белгилаш;

архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида ҳудудлараро ва тармоқлараро давлат манфаатларини мувофиқлаштириш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун асос сифатида белгилаш;

б) Бош схема ва ҳудудий схемалардаги лойиҳавий ечимлар Ўзбекистон Республикаси тараққиёт стратегияси, шунингдек, халқаро ва минтақавий интеграция жараёнлари, қўшни давлатларнинг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурлари ҳамда жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда узоқ даврга мўлжаллаб ишлаб чиқилади;

в) Бош схемани ва ҳудудий схемаларни тасдиқлаш ҳамда мунтазам равишда (ҳар 3 — 5 йилда) такомиллаштириб бориш бўйича устувор йўналишларни белгилаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган кўринишда ишлаб чиқишга рухсат этилсин. Бунда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида аҳоли пунктларининг ҳудудлари қўйидаги зоналарга ажратилади:

а) консервация зоналари. Ушбу зоналар яшил ҳудудлар, сув бўйи ва йўл бўйи ҳудудлари, маданий мерос ва ижтимоий соҳа объектлари, ҳарбий шаҳарчалар, алоҳида тоифадаги объектлар ва уларнинг муҳофаза ҳудудларини, шунингдек, аҳоли пунктнинг тарихан шаклланган қисмини ўз ичига олиб, уларни асл ҳолида сақлаш талаб этилади;

б) реконструкция ва реновация зоналари. Ушбу зоналарда фақат:

улардан фойдаланишга доир чекловларни белгилаган ҳолда ҳудуднинг фойдаланиш мақсадларига кўра функционал зоналар;

бино ёки иншоотнинг рухсат этиладиган қурилиш майдонининг унинг ер участкасига нисбатини белгиловчи зичлик параметрлари;

магистрал муҳандислик тармоқларининг қуввати ва йўналишлари;

ҳудудларнинг мавжуд ва истиқболдаги кўкаламзорлари жойлашуви;

лойиҳавий қизил чизиқлар белгиланади.

5. Шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ҳудудларнинг қисмларини ҳудудий ва иқтисодий ривожлантиришни яқин, ўрта ва узоқ муддатларга режалаштириш ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида мавжуд муаммоларнинг аниқ ечими ва амалга ошириш механизмларини ўзида акс эттирган мастер режалар ишлаб чиқиш тизими жорий этилсин. Бунда:

а) мастер режаларни қуйидаги ҳолларда ишлаб чиқишга рухсат берилади:

буйртмачининг ҳудудни ривожлантириш бўйича режа ва таклифлари ушбу ҳудудни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатида мувофиқ бўлмаганда, шу жумладан ҳудуднинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётганда ҳамда бўш ер участкаси мастер режа асосида аукционга чиқарилиши белгиланганда;

ҳудуднинг шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда;

б) батафсил режалаштириш лойиҳаси, ҳудудни қуриш лойиҳаси ва дизайн код билан биргаликда ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган мастер режа шаҳарсозлик ҳужжати сифатида қабул қилинади;

в) шаҳарсозлик ҳужжати сифатида ишлаб чиқилган мастер режани тасдиқлаш ушбу ҳудуднинг шаҳарсозлик ҳужжатини тасдиқлашга ваколати бўлган давлат органи томонидан амалга оширилади;

г) шаҳарсозлик мақсадлари учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрланганда ушбу ҳудудларнинг мастер режаларини ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мастер режаларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини кўзда тутувчи низом лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худудларнинг жорий ҳолатини аниқлаш, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачилик функцияларини амалга ошириш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланишнинг умумий ёндашувлари, мезонлари ва методологиясини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш;

«Давлат шаҳарсозлик геоахборот тизими» идоралараро геоахборот дастурий комплексини (кейинги ўринларда — Шаҳарсозлик геоахборот тизими) юритиш ва оператор функциясини бажариш, шунингдек, ушбу тизимга маълумотларни жойлаштириш, сақлаш, фазовий маълумотлар алмашинувини таъминлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини бошқариш.

7. Марказнинг фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилсин:

Давлат бюджети маблағлари;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизи миқдоридagi маблағлар;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини ва Шаҳарсозлик геоахборот тизимини юритишдан тушган маблағлар;

маҳаллий ва хорижий грантлар, техник кўмак маблағлари;

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Қуйидагилар:

2023 — 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурининг йиғма параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда шаҳарларнинг бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш жадвали 3-иловага\* мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш жадвали 4-иловага\* мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларининг худудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш жадвали 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида бош режалар, худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш лойиҳалари ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун Давлат бюджетидан 150 миллиард сўм ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ушбу ажратилган маблағлар қуйидаги тартибда сарфлансин:

115 миллиард сўмгача — 2023 йилда шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг схемаларини ишлаб чиқишга;

қолган маблағлар — Бош схема ва худудий схемаларни ишлаб чиқиш ҳамда Марказ фаолиятини молиялаштиришга.

\* 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



10. Белгилаб қўйилсинки, 2023 — 2027 йилларда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастури доирасида:

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» бош лойиҳа институти — шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

«ТошкентбошпланЛИТИ» бош лойиҳа институти — Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳарчаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ўрнатилган тартибда танлов асосида аниқланган лойиҳалаш ташкилотлари — алоҳида ҳудудларнинг мастер режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри илмий-текшириш институти — шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-геология қидирув ишларини бажаради ҳамда топогеодезия ишларини, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида аэрофотосуратга олиш, ҳудуднинг ортофотоплани ва рельефнинг рақамли моделини тайёрлаш ишларини бажаради.

Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда тегишли лойиҳалаш ташкилотларига салоҳиятли ташкилотлар ва малакали мутахассисларни (жумладан, хорижий) энг мақбул таклифларни танлаб олиш асосида жалб қилишга рухсат берилсин.

11. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар Шаҳарсозлик геоахборот тизимини ишга туширсин. Бунда:

ҳудудларнинг барча ижтимоий-иқтисодий маълумотлар турларини яратиш, бошқариш, 3D-визуал кўринишини шакллантириш ва комплекс таҳлил қилиш имкониятини;

ҳудудларни консервация, реконструкция ва реновация зоналарига ажратиш, геофазовий маълумотларни жойлаштириш орқали аҳоли пунктларининг «рақамли эгизаклари»ни яратиш;

бош режаларни ва режалаштирилаётган йирик лойиҳаларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш;

ишлаб чиқилган бош режалар асосида қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш назарда тутилсин.

Қайд этилсинки:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика маркази Шаҳарсозлик геоахборот тизими администратори этиб белгиланади ҳамда узлуксиз техник ва дастурий бошқарувни амалга оширади;

мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари 6-иловага\* мувофиқ идоралараро интеграциялашувни амалга ошириш мақсадида тегишли маълумотларни (тематик қатламларни) Шаҳарсозлик геоахборот тизимига тақдим этади.

12. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

---

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган барча аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ва объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари, шунингдек, уларни келишиш ва ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни Шаҳарсозлик геоахборот тизимига мажбурий жойлаштириш тартиби жорий этилади. Бунда:

тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда буюртмачи вазифасини бажарувчи ташкилотлар ва лойиҳа институтлари ишлаб чиқилган амалдаги шаҳарсозлик ҳужжатларини рақамли шаклда 2023 йил 31 декабрга қадар Марказга тақдим этади;

Марказ амалдаги шаҳарсозлик ҳужжатларини 2024 йил 1 мартга қадар Шаҳарсозлик геоахборот тизимига киритади;

б) ер майдонларини ажратиш ва аукцион орқали сотиш фақат улар жойлашган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар Шаҳарсозлик геоахборот тизимига киритилгандан сўнг амалга оширилади;

в) объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома бериш, архитектура-режалаштириш топширигини олиш ва лойиҳа ҳужжатларини келишиш фақат ушбу объектлар жойлашган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар Шаҳарсозлик геоахборот тизимига киритилгандан сўнг амалга оширилади;

г) лойиҳалаштирилаётган объектлар ер участкасининг топографик хариталари ва қурилиши тугалланган объектларнинг ижройи топографик хариталарини мажбурий равишда бажариш ҳамда уларни Шаҳарсозлик геоахборот тизими маълумотлар базасига киритиш тартиби жорий этилади. Бунда, топографик тасвирларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мослигини текшириш ва топографик маълумотлар базасини юритиш ишлари Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри илмий-текшириш институти томонидан амалга оширилади;

д) аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилганда лойиҳалаш ташкилоти билан яқуний ҳисоб-китоблар фақат ушбу шаҳарсозлик ҳужжатлари Шаҳарсозлик геоахборот тизимига киритилгандан сўнг амалга оширилади.

13. 2024 йил 1 июлга қадар ҳудудларда фуқароларнинг қулай ҳаёт фаолияти муҳитини комплекс шакллантириш, шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи «Менинг ҳудудим» электрон платформаси ишлаб чиқилсин:

«Менинг ҳудудим» электрон платформасида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг шахсий кабинетларини яратиш, улар фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотларни маҳалла кесимида рақамли шаклда киритиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ва мастер режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда овоз бериш механизми жорий этиш;

ҳудудларда маҳаллий аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ташаббусларини акс эттирувчи тизим жорий этиш.

14. Белгилансинки:

а) аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига шаҳарсозлик субъектлари томонидан риоя этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга оширишга Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъул ҳисобланади;

қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари сифати ва уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан давлат қурилиш назоратини амалга оширишга Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси масъул ҳисобланади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар йили ўз ҳудудларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ижроси юзасидан тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашларига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашига ҳисобот тақдим этади.

15. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Компетенцияни ривожлантириш институти, Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетиди 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий ташкилотлар раҳбарларининг шаҳарсозлик соҳасидаги билимларини оширишга қаратилган ўқув машғулотларини ташкил этсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига:

ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг асосий қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши;

уй-жой, ижтимоий соҳа, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари қурилишида аҳоли пунктларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига қатъий риоя этилиши;

аҳоли пунктларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

17. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, тасдиқлаш ҳамда ижросини назорат қилиш бўйича «йўл харитаси» 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари ва экспертларни жалб қилган ҳолда аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш, Шаҳарсозлик геоахборот тизимини жорий этиш ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш тартиб-таомилларининг кенг ёритилиши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давра суҳбатлари ва брифинглар ўтказилишини таъминласин.

19. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

\* 7-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг янгиланган таркибини тасдиқласин;

Шаҳарсозлик геоахборот тизимида картографик маълумотларнинг очиклигини таъминлашга қаратилган Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 сентябрь,  
ПҚ–299-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**400 «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида қуйидаги устувор йўналишлар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;

барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

«хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

2. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши доирасида:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оқсил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилсин;

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида, барча бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан таъминлансин, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилсин;

банкларнинг нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун миллий валютада ажратиладиган, қиймати 20 миллиард сўмгача бўлган кредитлар бўйича, фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин унинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан компенсация тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг касб-ҳунар эгаси бўлиш истагидаги 10-синф ўқувчилари учун тегишли ҳудудларда талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўргатиш курслари жорий этилсин.

Бунда, дастлабки босқичда ушбу тартиб зарур кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасига эга бўлган ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими ва-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

зирлиги томонидан белгиланган умумий ўрта таълим муассасаларида жорий этилсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар умумий ўрта таълим муассасалари учун «таянч мактаб» этиб белгилансин.

Бунда, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари «таянч мактаблар» томонидан янги таълим дастурлари, дарс ўтишнинг илғор методикалари ва ўқувчи билимини баҳолашнинг замонавий усулларига ўргатилади.

3. Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб:

онкогематологик касалликларга чалинган болалар учун Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳамда Болалар миллий тиббиёт марказида гемотопоестик суяк кўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси амалиёти жорий этилади;

вирусли гепатитнинг «С» тури билан касалланган беморларни ҳамда гемотопоестик суяк кўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси муолажасига мухтож онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб оғир ҳаётий вазиятга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида «ижтимоий хизмат иши»ни юритиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бунда, ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларга даволаш, дори воситалари билан таъминлаш, фарзандларини мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш, моддий ёрдам бериш каби ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарда тутилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

Тошкент шахрининг тиббиёт муассасаларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхатини амалиётга киритишни назарда тутувчи давлат тиббий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади;

ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари «ваучер» тизими асосида босқичма-босқич ташкил этилади. Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларга товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан харид қилиш имконияти яратилади ва уларнинг харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

5. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариши учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

6. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 1-иловага\* мувофиқ;

\* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 1а-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 1б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналиши доирасида:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига миқдори 10 миллион сўмдан юқори бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун, агар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқбузарликни инкор этса, молиявий санкцияларни фақатгина суд тартибида қўллаш амалиёти йўлга қўйилсин;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳосилни суғурталашда суғурта мукофотининг 50 фоизи миқдорида субсидия бериш тартиби жорий этилсин;

«Изланиш ва ривожланиш» (R&D) марказлари учун улар ташкил этилган кундан бошлаб 3 йил муддатга мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумма миқдорининг 1 фоизини тўлаш, уларнинг ходимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида ҳисоблаш тартиби жорий этилсин;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар томонидан ҳар йили амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қийматининг камида 5 фоизини облигациялар чиқариш орқали молиялаштириш тартиби жорий этилсин.

8. 2024 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғини тўлиқ қайтариб бериш тизими қўйидагилар ҳисобидан кенгайтирилсин:

хорижий туристларга — Ўзбекистон халқаро аэропортларида Ўзбекистон ҳудудида сотиб олинган ва «Tax free» тизими бўйича расмийлаштирилган маҳсулотлар учун;

тур-операторларга — хорижий контрагентлар билан шартномалар доирасида кўрсатилган экспорт хизматлари учун.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари сифатида энергетика, коммунал хўжалик, транспорт, экология, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа устувор соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқишни белгилаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан келиб чиқувчи давлатнинг тўғридан-тўғри ва шартли мажбуриятларини мониторинг қилиш, бошқариш ва тартибга солиш тизимини амалиётга татбиқ этиш;

Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировка-лаш) механизмларини жорий этиш.

\* 1а-1б-иловалада «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж. Қўчқоров):

а) икки ҳафта муддатда:

халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармаси фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг мажбуриятларини бошқариш ва тартибга солиш механизмларини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳаси;

б) 2024 йил 1 январга қадар Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин.

10. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 2-иловага\* мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 2а-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 2б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

11. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши доирасида:

а) 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб:

ижобий экологик экспертиза хулосасини олмаган объектларга нисбатан молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш механизми жорий этилсин;

экологик ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан зарарни қоплаш билан бир қаторда, зарар етказилган табиат объектини тиклаш ва унинг муайян муддат давомида муҳофаза қилинишини таъминлаш мажбурияти юклансин;

б) сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

республиканинг узок муддатли сув баланси прогнозини юритиш, шу жумладан уни ҳар йили янгилаш ва сув ресурсларини тежаш дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг, кейинчалик эса, босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун кредитлар 10 фоиз ставкада (фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳисобига) ажратилиши таъминлансин;

в) атмосферага зарарли ташланмалар ҳажмини камайтириш мақсадида халқаро «карбон маркет» тизими доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан барпо этиладиган яшил майдонларни ташкил қилиш харажатларини қисман жалб қилинган грант маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

\* 2 — 2б-иловалада «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Бунда, барпо этилган яшил майдонлар (яйловларни озуқабоп экинлар билан, қишлоқ хўжалиги ерларини дарахтлар билан қоплаш) бўйича компенсациялар иссиқхона газларини зарарсизлантириш даражасига мутаносиб равишда ажратилади.

12. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 3-иловага\* мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 3а-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 3б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида:

а) давлат хизматларини кўрсатишда аҳолига янада қулайликлар яратиш ва ортиқча сансалорликларга барҳам бериш мақсадида:

2024 йил 1 январдан бошлаб аҳолига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда автотранспорт воситасининг олди-сотди шартномалари ва бошқа нотариал тасдиқланган битимларни «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимидан олиш амалиёти йўлга қўйилсин ва ариза берувчилардан мазкур ҳужжатларни талаб қилиш тақиқлансин;

2024 йил 1 мартдан бошлаб нотариал идорага келмасдан, шу жумладан чет элдан туриб мол-мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ битимларни (мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишдан ташқари) электрон рақамли имзодан фойдаланиб, видеоконференцалоқа орқали расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилсин;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилсин.

Бунда, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгилансин;

в) ташаббусли бюджет амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилсин;

г) 2024 йил якунига қадар қонунда белгиланган асосларда тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларига санкция бериш масаласини алоҳида судьялар — тергов судьялари томонидан кўриб чиқиш тартиби жорий этилсин;

д) тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

биринчи марта жиноят содир этган шахсни, агар у суд маслаҳатхонага

\* 3 — 3б-иловалаб «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

киргунига қадар солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиш;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган ҳар бир жиноят иши бўйича тергов ҳамда суд жараёнида тегишли мансабдор шахс жиноят иши материалларини иш юритувига қабул қилган вақтдан бошлаб тадбиркорни ҳимоя қилишга Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, тадбиркорлик субъекти аъзо ҳисобланган бошқа ташкилотни жамоат ҳимоячиси сифатида жалб этиши (хабар қилиш) тартиби жорий этилсин;

е) 2024 йил 1 январдан бошлаб аҳоли пунктларида барча янги қурилаётган икки ва ундан ортиқ полосали автомобиль йўлларида пиёдалар ўтиш йўлакларини светофорлар билан тўлиқ жиҳозлаш мажбурий этиб белгилансин.

14. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 4-иловага\* мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 4а-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 4б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

15. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг «хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатини изчил давом эттириш йўналиши доирасида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг учрашуви юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

16. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг «хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 5-иловага\* мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 5а-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 5б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш натижаларининг оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилаётган барча

\* 4 — 5б-илловала «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тадбирларнинг ижроси ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 сентябрь,  
ПҚ–300-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**401 Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Жорий йилнинг 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича «узлуксиз хизматлар занжири»ни яратиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Бизнесни ривожлантириш банки» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда — Бизнесни ривожлантириш банки) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Бизнесни ривожлантириш банки Дастурни самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк этиб белгилансин.

«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси ва мутасадди ташкилотларнинг асосий вазифалари 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурни 2023 — 2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари йўналтирилсин.

2. Белгилансинки, қуйидагилар «Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази» масъулияти чекланган жамиятларига (кейинги ўринларда — марказлар) онлайн ариза юбориш орқали Дастурда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади:

камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, ҳунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;

оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Бунда, Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини шаффофлик тамойиллари асосида танлаб олиш тартиб-таомиллари 2-иловага\*\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

марказлар томонидан танлаб олинган ташаббускорлар бизнес кўникмаларини шакллантириш йўналишида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида ўқитилади;

амалий ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, сертификат олган та-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаббускорлар Дастур доирасидаги қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланади.

4. 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий ва консултьатив қўллаб-қувватлаш чоралари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишида:

тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш. Бунда, 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади;

қиймати 1,5 миллиард сўмгача бўлган асосий воситаларни 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга бериш;

24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ва охириги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда камида 10 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг янги лойиҳаларига ва мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид лойиҳаларига бўш турган давлат мулки объектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан 20 фоизгача, бироқ 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қийматда улушдор бўлиб кириш;

инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларига давлат илмий дастурлари доирасида 2 миллиард сўмгача грант маблағларини ажратиш;

б) консултьатив қўллаб-қувватлаш йўналишида:

лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;

давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш.

Дастур иштирокчиларини молиявий ва консултьатив қўллаб-қувватлаш инструментлари ва улардан фойдаланиш шартлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Марказларга ўзи томонидан кичик бизнес лойиҳаларига киритилган улушни 7 йил давомида бозор қийматида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилиш ҳуқуқи тақдим этилсин.

Иқтисодий ва молия вазирлиги Дастурни узлуксиз равишда зарур молиявий ресурслар билан таъминлаб боришга масъул этиб белгилансин. Бунда,

\* 3-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дастурни барқарор молиявий ресурслар билан таъминлаш учун халқаро молия бозорлари ҳамда халқаро молия институтлари ҳисобидан зарур ҳажм ва муддатларда маблағлар жалб этилади.

5. Бизнесни ривожлантириш банки уч ой муддатда халқаро молия институтларининг техник қўмаги ва бошқа манбалар ҳисобидан бизнес жараёнларини автоматлаштирган ҳолда ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш учун Бизнес порталнинг ишга туширилишини таъминласин.

Рақамли технологиялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

2024 йил 1 январга қадар ушбу қарорга 4-иловага\* мувофиқ вазирлик ва идораларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг Бизнес порталга интеграция қилинишини таъминласин;

2024 йил 1 майга қадар тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги мавжуд ахборот тизимлари ва маълумот базаларини Бизнес порталга бирлаштиришни назарда тутувчи амалий чора-тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, АТ «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» АТБ билан биргаликда бир ой муддатда қуйидаги йўналишлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларнинг ҳар бирида деҳқончилик учун ижара ҳуқуқи билан берилаётган ер майдонларида маҳсулотни етиштиришдан бошлаб уни сотишгача занжирни яратишни назарда тутувчи камида биттадан «агрегатор» ва «кооперация» тизимига асосланган лойиҳаларни амалга ошириш;

тажрибали касаначилар билан бирга касаначиларга комплекс ёрдам берувчи «касаначилар мактабларини» ташкил этиш ва уларни ушбу мактабларнинг устав капиталида иштирок этишга жалб қилиш.

Бунда, ушбу йўналишдаги лойиҳаларни амалга оширишда Дастурда назарда тутилган механизм ва инструментлар қўлланилиши белгилансин.

7. Бизнесни ривожлантириш банки «Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси» МЧЖ (кейинги ўринларда — Жамғарма) билан биргаликда 2023 йил якунига қадар ҳар бир ҳудуд учун лойиҳаларни баҳолаш ва танлаб олиш, бизнесга ўқитиш, ташқи бозорларга чиқиш ҳамда марказлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ йўналишлар бўйича малакали хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилишни таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бизнесни ривожлантириш банкининг марказлар ходимларининг камида 20 фоизини ва камида бир нафар раҳбар ходимини хусусий секторда муваффақиятли фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари орасидан танлов асосида тайинлаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталини 2023 йил 1 октябрдан 2024 йил якунига қадар босқичма-босқич 3 триллион сўмга етказсин;

\* 4-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Марказий банк ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банки» АТБга ажратилган умумий қиймати 544 миллиард сўм бўлган кредит линиялари маблағларини Бизнесни ривожлантириш банкига субординар қарз сифатида қайта расмийлаштирсин;

2024 йил 1 апрелга қадар Жамғарма устав капитали 1 триллион сўм миқдорида шакллантирилишини таъминласин;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Рақамли трансформация маркази» ДУКни бутун моддий-техника базаси билан бирга масъулияти чекланган жамиятга айлантириш ва унинг устав капиталидаги давлат улушини номинал қийматда Жамғарма устав капиталига Бизнесни ривожлантириш банкининг улуши ва банкдаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилишини таъминласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда марказлар орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни сотишдан тушадиган 1 триллион сўм миқдоридаги маблағларни Жамғармага 10 йил муддатга фоизсиз бюджет ссудаси сифатида ажратсин.

9. Бизнесни ривожлантириш банки ва ҳамкор банкларга Дастур доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб этиладиган ресурс маблағларини қайта молиялаштириш ваколати берилсин.

10. 2024 йил 1 январдан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар 3 йилгача муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилиши белгилансин.

11. Бизнесни ривожлантириш банкига Дастурни амалга ошириш доирасида унинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ малакали мутахассислардан иборат танлов комиссияси томонидан мустақил равишда қуйидаги харид жараёнларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин:

халқаро юридик, аудиторлик компаниялари, инвестиция маслаҳатчилари ва инвестиция банклари, илғор хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, юқори малакали хорижий эксперт ва консультантларни жалб этиш;

ахборотлаштириш қурилмалари, дастурий таъминотлар ва банкоматлар етказиб берувчи компаниялар билан шартномалар тузиш.

12. Белгилансинки, Бизнесни ривожлантириш банки мулкӣ, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмонӣ шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

13. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш ва давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари, Жамғарма ва марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмасида Кичик ва ўрта биз-

нес ривожланишини таҳлил қилиш, қўллаб-қувватлаш ва соҳада давлат сиёсатини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилсин.

14. Бизнесни ривожлантириш банки, Инновацион ривожланиш агентлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги стартап экотизимини ривожлантириш мақсадида бизнес лойиҳаларни акселерация тамойили асосида танлаб олиш жараёнларини тўлиқ акс эттирувчи туркум шоу-кўрсатувлар тайёрласин ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриб борсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни тасдиқласин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда марказларни жойлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Бизнесни ривожлантириш банки ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

бир ой муддатда марказлар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш, марказлар томонидан кичик бизнес лойиҳаларини танлаб олиш, қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тартибларини тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 сентябрь,  
ПҚ–306-сон



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ  
БУЙРУҒИ****402 Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари  
шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилаш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3456*

Ўзбекистон Республикасининг «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Қону-  
нининг 8-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий тарки-  
бининг энг кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага муво-  
фиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги,  
Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазир-  
лиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон  
Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Қўмондон****Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 19 август,  
211-сон

*Келишилди:*

**Мудофаа вазири****Б. КУРБАНОВ**

*2023 йил 25 июль*

**Транспорт вазири****И. МАХКАМОВ**

*2023 йил 25 июль*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

*Энергетика вазири*

*Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ*

*2023 йил 27 июль*

*Рақамли технологиялар вазири*

*Ш. ШЕРМАТОВ*

*2023 йил 5 август*

*Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири*

*Б. МУСАЕВ*

*2023 йил 2 август*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

*К. РАФИКОВ*

*2023 йил 25 июль*

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил  
19 августдаги 211-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари (бундан ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, шунингдек махсус юкларни қўриқлашда хизмат ўтайдиган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари мустасно) шахсий таркибининг энг кўп сонига бўлган талабларни белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш** — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз объектларини қўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури;

**объект** — қўриқлашга олинган юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг ҳудудлари, жойнинг участкалари, транспорт

воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки;

**ўта муҳим ва тоифаланган объект** — ижтимоий-иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари ва иншоотлари;

**махсус юклар** — қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, хавфли юклар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши давлат назорати остида бўлган ашёлар;

**пост** — объект ёки унинг бир қисмида хизмат ўташ учун белгиланган жой ёки ҳудуд;

**патруллик йўналиши** — объектни қўриқлаш мақсадида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибига белгиланган йўналишда хизмат ўташ учун ажратилган жой ёки ҳудуд.

2. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сони объектда ташкил этиладиган постлар сонидан ва унга ажратиладиган штат бирлиги сонидан келиб чиқади.

3. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг лавозимлари, тоифалари ва штат бирлиги мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ белгиланади.

4. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг объектларни қўриқлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш, хизматга тўғри тақсимлаш ва назорат қилиш учун мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари гуруҳлари тузилади.

## **2-боб. Объектда ташкил этиладиган постлар сонини ва унга ажратиладиган штат бирлик сонини белгилаш**

5. Постлар объектнинг қуйидаги ҳудудларида ташкил этилади: фуқаролар (транспортлар) учун мўлжалланган назорат-ўтказиш жойларида;

объект ҳудудининг чегараси (периметри) бўйлаб унинг ички ёки ташқи қисмларида ёхуд унга яқин ҳудудларда;

объектнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган муайян қисмида.

6. Назорат-ўтказиш жойларида битта пост қуйидаги асосларга кўра ташкил этилади:

ўртача арифметик ҳисоб бўйича бир соатда объектнинг 400 тагача ходимлари назорат-ўтказиш жойидан кириб-чиққан тақдирда;

ўртача арифметик ҳисоб бўйича бир соатда 20 тагача транспорт воситалари назорат-ўтказиш жойидан кириб-чиққан тақдирда.

7. Объект ҳудудининг чегараси (периметри) бўйлаб унинг ички ёки ташқи қисмларида ёхуд унга яқин ҳудудларда ҳар 500 метргача бўлган масофада битта пост ташкил этилади.

8. Объектнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган муайян қисмида, шунингдек

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

объектнинг қўриниши чекланган ҳудудларида (бурилиш ва нотекисликлар) мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган масофа инobatга олинмаган ҳолда битта пост ёки битта патруллик йўналиши ташкил этилади.

Бунда, патруллик йўналиши қуйидаги масофаларда ташкил этилади:

кундузи — 1000 метргача ва кечаси — 500 метргача;

қўриқлашнинг техник воситалари билан жиҳозланган объектларда кундузи — 2000 метргача ва кечаси — 1000 метргача.

9. Объектни қўриқлашда битта 24 соатлик пост учун 9 штат бирлик ажратилади.

### **3-боб. Яқуний қоида**

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**403** «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга қўшимчалар ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 июлдаги 309-сон «Спортчиларга спорт паспортини бериш бўйича давлат хизмати-ни кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 28 август,  
6-мх-сон

*Келишилди:*

**Мудофаа вазири**

**Б. КУРБАНОВ**

*2023 йил 28 август*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил  
28 августдаги 6-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 12-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2949, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/2949/0286-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2020 йил 21 февралдаги 1-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2949-1, 2020 йил 11 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2020 й., 10/20/2949-1/0294-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 27 августдаги 14-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2949-2, 2022 йил 6 сентябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.09.2022 й., 10/22/2949-2/0798-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА  
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**404** Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш  
ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 29 мартдаги 3, 9-сон қарори (рўйхат рақами 2368, 2012 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 240-модда) билан тасдиқланган Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши вазири**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 август,  
МН-6-сон

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 август,  
42-ққ-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Экология,  
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлигининг 2023 йил 12 август-  
даги МН-6-сон, Ички ишлар вазирлигининг  
2023 йил 10 августдаги 42-ққ-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «хайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш рухсатномалари» деган сўзлар «ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатномалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатномалар Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга мувофиқ берилади.»

3. 8-бандда:

«а» кичик банддаги «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари» деган сўзлар «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги давлат инспекторлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «Маҳалла посбонлари» жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар «профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Бригада таркиби, шу жумладан бригада бошлиғи Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг (бундан буён матнда вилоят ички ишлар бошқармаси деб юритилади) жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши органларининг қўшма қарори билан тасдиқланади.»

5. 13-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ҳайвонларни бевосита отиб ташлаш бригада таркибига киритилган овчилик жамиятлари ходимлари, хаваскор овчилар томонидан уларга тегишли бўлган фуқаровий ўқотар ов қуроли, ўрмон, овчилик, ўрмон-овчилик хўжаликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари вакиллари томонидан уларга топширилган ҳудудда, хизмат қуроли орқали амалга оширилади.»

6. 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «кесма стволли (комбинациялаштирилган) ўқотар ов қуролидан» деган сўзлар «сойли стволли ўқотар ов қуролидан ҳамда комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли)



ўқотар ов қуролидан, шу жумладан алмаштириладиган ва жойлаштириладиган сойли стволли ўқотар ов қуролидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 16-бандда:

«з» кичик банддаги «ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш рухсатномалари» деган сўзлар «ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатномалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

«л» кичик банддаги «кесма стволли (комбинациялаштирилган) ўқотар ов қуролидан» деган сўзлар «сойли стволли ўқотар ов қуролидан ҳамда комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли) ўқотар ов қуролидан, шу жумладан алмаштириладиган ва жойлаштириладиган сойли стволли ўқотар ов қуролидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8. 20-банднинг биринчи хатбошидаги «Маҳалла посбонлари» жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар «профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 22-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «ўқотар ов қуролининг ва унга ўқ-дориларнинг» деган сўзлар «ўқотар ов қуроли ва унинг ўқ-дорилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 26-бандда:

еттинчи хатбошидаги «ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш рухсатномасида» деган сўзлар «ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатномада» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 27-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзида овчилик гувоҳномаси ҳамда ўқотар ов қуролни сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини берувчи тегишли рухсатномага эга бўлишга»;

еттинчи хатбошидаги «ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш рухсатномасида» деган сўзлар «ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатномада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 28-бандда:

учинчи хатбошидаги «Маҳалла посбонлари» жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар «профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «қуролни олиб юриш, сақлаш ва қўллаш» деган сўзлар «ўқотар ов қуролни сақлаш ва олиб юриш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш рухсатномасида» деган сўзлар «ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатномада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 31-банддаги «патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бў-

линмаларининг» деган сўзлар «жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Бригадаларга патронларни тақсимлаш ва бериш ҳудудий экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши органлари (Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бошқармалари), қишлоқ хўжалиги бошқармалари (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармалари) ҳамда овчилик жамияти томонидан тасдиқланадиган тақсимлаш нормаларига мувофиқ амалга оширилади. Тақсимлаш нормаларида бригада ихтиёрига бериладиган патронлар турлари ва сони кўрсатилиши керак.»

15. 33-банддаги «Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига» деган сўзлар «Жамоат хавфсизлиги департаменти жамоат тартибини сақлаш хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 44-банддаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 46-банддаги «патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси» деган сўзлар «жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 47-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Ҳисоботнинг биринчи ва иккинчи нусхалари вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) овчилик жамиятида ҳамда ички ишлар бошқармасининг жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасида қолади, учинчи, тўртинчи ва бешинчи нусхалари — таҳлил қилиш, умумлаштириш ва мавжуд материалларга қўшиб қўйиш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 30 январидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига, Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти жамоат тартибини сақлаш хизмати, шунингдек рағбатлантириш чораларини кўриш учун Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига берилади.»

19. 48-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 1-илованинг учинчи устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патронларни олган шахс Ф.И.О., лавозими, паспорти ёки идентификацияловчи ID-картасининг (шахсини тасдиқловчи ҳужжати) серияси, рақами».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**405** «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2932-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 июлдаги 310-сон «Рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи материаллар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топшириш ҳамда ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини топширганлик учун тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 179-сон «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2932, 2017 йил 28 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 10/17/2932/0027-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 сентябрь,  
465-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил 19 августдаги 211-сон «Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2023 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3456.**

2. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 28 августдаги 6-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга қўшимчалар ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-3.**

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2023 йил 12 августдаги МН-6-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 10 августдаги 42-ққ-сон «Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

**2023 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2932-1.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 12-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2949, 2017 йил

22 ноябрь), шунингдек унга қўшимчалар ва ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2949-1, 2020 йил 11 март), (рўйхат рақами 2949-2, 2022 йил 6 сентябрь).

*2023 йил 11 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 179-сон «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2932, 2017 йил 28 сентябрь).

*2023 йил 15 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**